

علم اور گانیش بربر مسلمان اوچون مرشدور

السلام



Ойлик ижтимоий-маърифий электрон журнал (3-сон, Рабу-ул-аввал, 1434)





Таҳрир ҳайъати:

Шайх Муҳаммад Содиқ
Муҳаммад Юсуф (раис)
Тоҳир Малик.
Эркин Малик.
Абдулҳамид Турсун.

Муҳаммад Айюб Усмон.
Муҳаммад Зуфар.
Озод Мунаввар.
Исмоил Муҳаммад Содиқ
Анвар Аҳмад

Таҳрир ҳайъати:

“Ҳилол” ойлик электрон журнали. 4-сон.
Муассис: “Ҳилол” нашрети МЧЖ (Москва)
Бош муҳаррир: Аҳмад Муҳаммад
Бош директор: Абу Муслим
Мусаввир: Беҳзод Вафоев

ХУШ КЕЛДИНГИЗ, РАСУЛИ БАРҲАҚ!

ЖУРНАЛИМИЗНИНГ УШБУ СОНИ ТЎЛИҒИЧА ПАЙҒАМБАРИМИЗ МУҲАММАД АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ СИЙРАТЛАРИ ВА СУННАТЛАРИГА БАҒИШЛАНАДИ

Динимизда шахсларнинг туғилган кунларини нишонлаш анъанаси бўлмаса-да, дунё мусулмонлари ҳар йили рабиъул-аввал ойида муҳим бир санани кенг нишонлайдилар. Бу ҳам бўлса, ушбу ой “Мавлидун-Набий”, яъни Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг туғилган ойлари шарафлаш, байрам қилиш оидир. Барча мусулмонлар бу муборак ойда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳар қачонгидан кўпроқ ёдга оладилар, у зоти бобаракотга дуолар, салом ва савоботлар йўллайдилар. Нубувват соҳибининг ҳаёт йўлларини ўрганиш, суннатларига мувофиқ яшаш, у зотнинг кўрсатмаларига амал қилиш, ахлоқларидан ибрат олиш, ҳар бир ишда Фахри коинотга эргашиш орқали кўнгиллар мунаварлик сари юз тутди.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг туғилган кунлари рабиъул-аввал ойининг қайси кунига тўғри келиши ҳақида аниқ бир фикр йўқ. Саҳобалар, тобеъинлар, муҳаддислар, тарих, сийрат ва фалакиёт олимлари, муҳаққиқ уламолар Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) милодий 571 йили (фил йилида), баҳор фаслида, душанба куни тонг пайти туғилганларини айтишган. Аҳмад Росим ўз асарида “Айтилган ривоятларнинг энг тўғриси – Пайғамбаримиз рабиъул-аввал ойининг ўн иккинчи куни дунёга келганлар, деган ривоятдир”, деган хулосага келган. Имом Қасталоний эса “Пайғамбаримизнинг туғилган вақтлари рабиъул-аввал оидир” (яъни, туғилган ойлари аниқ, туғилган кунлари эса маълум эмас), деб ёзган. Биз, мусулмонларга саналар муҳим эмас, балки масаланинг моҳияти азияроқдир. Бир замондош олим ёзганидай, Пайғамбаримизнинг хотираларини ёд этишни истаган ҳар бир мусулмон аниқ бир кунни танлаши шарт эмас. У зотнинг шахсиятига кўрсатиладиган ҳурмат-эҳтиром

у ёки бу кунда маросим ўтказиш билан бўлмайди. Бу нарса у зотга энг самимий ришталар билан боғланиш орқали амалга оширилади”.

Бу ойда барчаларимиз оламлар сарвари, бутун инсониятга охирзамон пайғамбари ўлароқ юборилган Муҳаммад алайҳиссаломнинг сийратларини, ҳаётларини янада кенгроқ ўрганиш, ҳар ишда, ҳар кунимизда, ҳар бир амалимизда у зотга эргашиш, суннатларига мувофиқ ҳаёт кечиришга ҳаракат қилишимиз керак бўлади. Ушбу ойда ҳар қачонгидан у зотга, аҳли байтларига ва саҳобаларига савобот ва саломларини кўпайтиришимиз тўғрироқ бўлади. Зеро, у зотнинг ўзлари буни умматларига васият қилганлар: Анас ибн Моликдан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Банда наздида унинг аҳлидан, молидан, одамларнинг барчасидан афзал бўлмагунимча у мўмин бўла олмайди», деганлар” (Имом Муслим ривояти); Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан ривоят қилинади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ким менга савобот айтса, Аллоҳ таоло унга ўнта савобот айтади», деганлар» (Имом Муслим ривояти); Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Қиёмат куни менга энг яқин бўладиган кишилар менга кўп савобот айтадиганлардир», дедилар” (Имом Термизий ривояти).

Мана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, “Ҳилол” электрон журналининг ушбу сонини тўлиғича Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг сийратлари ва суннатларини ўрганишга бағишладик. Ўқинг, ибратланинг, ҳар ишда ва амалда у зотга эргашишга ҳаракат қилинг! Ҳижрат чоғида Расулulloҳ алайҳиссаломни кутиб олишда Ясриб (Мадина) аҳли айтган кўшиқ билан сўзимизни мухтасар қилсак:

*Тўлин ой балқди бизларга,
Водий тоғин ортидан шоён.
Шукрин адо этайлик, зеро
Чорлар бизни Аллоҳга томон.*

*Хуш келдинг, эй Расули барҳақ,
Итоатга лойиқдир ваҳий.
Мадинани мунаввар этдинг,
Марҳабо, эй Хотамун-набий.*

*Жоҳилият либосин ташлаб,
Шон ва иззат либосин кийдик.
Зое бўлган кунлар сўнггида
Шараф кўксин тўйиб симирдик.*

*Зулмат бағрин парчалаган нур,
Деди: “Айтгин Исломи аҳлига,
Хор-зорлик ярашмас асло
Мустафонинг умматларига”.*

*Онт келтирган қутлуғ у кундан,
Барчамиз сўз бердик ва айтдик:
Аҳдимизни зинҳор бузмасмиз
Ростгўйликни бошга кўтардик.*

*“Аллоҳимга онт, мен бандани,
Фасод сари бошламасман, чин”.
Гувоҳ бўл, эй толеғ юлдузи
Дилда ишқинг, ҳасратинг тўлган.*



ҚУРЪОНДА РАСУЛ (с.а.в) ВАСФИ

“Муҳаммад ҳам бир Расул, холос. Ундан олдин ҳам расуллар ўтган. Агар у ўлса ёки қатл қилинса, орқангизга қайтасизми?! Ким орқасига қайтса, Аллоҳга ҳеч қандай зарар келтира олмайди ва Аллоҳ шуқр қилувчиларни албатта мукофотлайди” (Оли Имрон, 144-оят).

وَمَا مُحَمَّدٌ إِلَّا رَسُولٌ قَدْ خَلَتْ مِنْ قَبْلِهِ الرُّسُلُ أَفَإِنْ مَاتَ أَوْ قُتِلَ انْقَلَبْتُمْ عَلَىٰ أَعْقَابِكُمْ وَمَنْ يَنْقَلِبْ عَلَىٰ عَقْبَيْهِ فَلَنْ يَضُرَّ اللَّهَ شَيْئًا وَسَيَجْزِي اللَّهُ الشَّاكِرِينَ ﴿١٤٤﴾

Уҳуд жангида камончилар ўз жойларини тарк этгач, мусулмонларнинг мушриклар қуршовида қолган қисми жуда оғир ҳолатга тушиб қолишди. Шу пайт мушриклардан Ибн Қамъа исмли одам зарб билан Набий алайҳиссаломнинг бошларини ёрди ва мушриклар ҳузурига бориб: «Муҳаммадни ўлдирдим!» деб кичқирди. Жанг майдонида «Муҳаммад ўлибди», «Расулulloҳ ўлибди» деган гап яшин тезлигида тарқалди. Бу хабарни эшитган мусулмонларда тушкунлик ва заифлик пайдо бўлди. Улар дуч келган томонга тумтарақай қоча бошлашди. Фақат Расулulloҳ алайҳиссалом вассаломнинг оз сонли кишилар билан собит туришларигина катта фалокатнинг олдини олди. «Расулulloҳ ўлди» деган хабар мусулмонларни ҳаддан ташқари умидсизлантириб юборди. Ҳаттоки Умар ибн Хаттоб ва Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоху анҳумо каби улкан саҳобийлар ҳам бу машъум хабардан кейин умидсиз бўлиб, бир гуруҳ муҳожир ва ансорийлар билан биргаликда жангни тўхтатиб, ўтириб қолишди. Ушбу оят

мусулмонларнинг бу тасаввурлари нотўғри эканини баён қилиб, уларга ибратли дарс бермоқда: «Муҳаммад ҳам бир Расул, холос». Яъни Сизларга йўлбошчи бўлиб юрган Муҳаммад алайҳиссалом ҳам бошқа пайғамбарлар каби бир пайғамбардир, холос.

«Ундан олдин ҳам расуллар ўтган». Муҳаммад алайҳиссалом ҳам ўша ўтган пайғамбарлар силсиласидан бир ҳалқадир. Аллоҳ Ўз динини бандаларига етказиш учун Одам Атодан буён ҳар замон ва ҳар қавмнинг хусусиятларига қараб улар ичидан пайғамбарлар танлаб, уларга ваҳий юбориб турган. Инсоният тарихи давомида кўплаб пайғамбарлар келиб-кетган.

«Агар у ўлса ёки қатл қилинса, орқангизга қайтасизми?!» Муҳаммаднинг ўлими сизларни Аллоҳнинг динидан қайтарадими?! Сиз эътиқод қилаётган дин Муҳаммаднинг дини эмас-ку, балки Аллоҳнинг дини-ку! Аллоҳнинг динига хизмат қилиш учун қанчадан-қанча пайғамбарлар келиб-кетганлар. Исломи дини бир ки-

шининг ҳаётига боғлиқ эмас, балки у қиёмат қоим булгунча қоладиган диндир. Агар дин бир кишининг, ҳатто Муҳаммад алайҳиссалом каби улкан ва комил инсоннинг ҳаётига боғлиқ бўладиган бўлса, унинг абадийлиги қолмас эди. Демак, унинг ўлими ҳақидаги хабарни эшитганингиздан сўнг тушқунликка тушиб, қочиб қолишингиз нотўғридир.

«Ким орқасига қайтса, Аллоҳга ҳеч қандай зарар келтира олмайди». Ҳаммангиз қайтиб кетсангиз ҳам, Аллоҳга ҳеч зарар етмайди. Балки ким орқага қайтса, ўшанинг зарарини ўзи тортади. Ислом дини Аллоҳ таоло томонидан бандаларга берилган улкан неъматдир. Ким бу неъматга эришишда ҳидоят топса, икки дунёнинг бахтига муяссар бўлади.

«Ва Аллоҳ шукр қилувчиларни албатта мукофотлайди». Ким Исломнинг улуғ неъмат эканини тушуниб етса, шукр қилса, яъни Исломни ўзига ҳаёт йўли қилиб олиб, Аллоҳга бу неъмат учун ҳамду сано айтса, Аллоҳ таоло унга мукофот беради.

Уҳуд ғазотида бўлиб ўтган бу ҳодиса ва унинг баёни бўлиб келган ушбу оят орқали Аллоҳ таоло мусулмонларни Набий алайҳиссаломнинг шахсларига ортиқча ёпишишдан қайтариб, асосий манбага қарашга одатлантиришни хоҳлаган. Мусулмонлар тўғридан-тўғри Аллоҳнинг Ўзига мурожаат қилишни ўргансинлар. Улар Аллоҳнинг олдида ўзларининг масъул эканларини сезсинлар.

Шу билан бирга, бу ҳодиса ва оят Набий алайҳиссаломнинг вафотларига тайёргарлик, мусулмонлар бошига бир куни шундай мусибат тушганда довдираб қолмасликлари учун сабоқ, дарс эди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. У киши вафот этганларида ҳеч кимнинг ишонгиси келмади. Ҳатто Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу қиличларини чиқариб: «Ким «Муҳаммад ўлди», деса, бошини узаман!» деб ҳовлида айланиб юрдилар. Фақат Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу бу ҳақиқатни тушуниб етдилар. Бу вақтда у киши шаҳардан ташқарига чиққан эдилар. Хабарни эшитиб, тезда етиб келдилар. Хужраи Саодатга кириб, Пайғамбар алайҳиссаломга вассаломни ўпдилар-да: «Тириклигингизда ҳам пок эдингиз, ўликлигингизда ҳам поксиз, дедилар. Сўнгра ташқарига чиқиб, баланд овоз билан: "Эй одамлар! Ким Муҳаммадга сиғинаётган бўлса, Муҳаммад вафот этди! Аммо ким Аллоҳга сиғинаётган бўлса, Аллоҳ тирик ва ўлмайди!" дедилар ва ушбу ояти каримани тиловат қилдилар. Ана ўшандагина мусулмонлар ўзларига келиб, ҳушёр тортдилар.

“Муҳаммад сизлардан биронта эркакнинг отаси бўлган эмас. Лекин Аллоҳнинг Расули ва набийларнинг сўнггисидир. Аллоҳ ҳар бир нарсани ўта билувчидир” (Аҳзоб, 40).

Эй одамлар, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи вассаллам Зайнабга уйланганлари учун «Муҳаммад ўз ўғлининг хотинига уйланди», деб бўҳтон қилманглар. Чунки «Муҳаммад сизлардан биронта эркакнинг отаси бўлган эмас». Жумладан, Зайнабни талоқ қилган Зайд ибн Ҳорисанинг ҳам отаси бўлган эмас. Зайднинг отаси Ҳориса ибн Шурҳабийлдир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи вассаллам Зайд талоқ қилган Зайнабга Аллоҳнинг амри билан, жоҳилият ҳукмларидан бирини ботил қилиш учун уйландилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг жоҳилият ҳукми бўйича Зайдни асраб олишлари ҳам Аллоҳ ирода этган ҳикмат орқали шу одатни йўқ қилиш

учун бўлган эди. Зайд ҳеч қачон у зотга ўғил бўлган эмас. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассалламга ҳеч ким ўғил бўлган эмас. У зот эса ҳеч кимингизга ота бўлган эмас.

«Лекин Аллоҳнинг Расули ва набийларнинг сўнггисидир». Лекин Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассаллам Аллоҳнинг ҳамма учун юборган Расулидир. У зот пайғамбарларнинг сўнггисидир, ундан кейин ҳеч бир пайғамбар келмас.

«Аллоҳ ҳар бир нарсани ўта билувчидир». У ҳамма нарсани ана шу ўта билиши асосида тасарруф қилади. Ушбу масалада ҳам ана шу билими билан тасарруф қилди. Эҳтимол, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ўғил фарзандлари турмагани ҳам ҳикматлидир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам Ҳадижа онамиздан Қосим, Тоййиб, Тохир исми ўғиллар кўрганлар, аммо уларнинг ҳаммаси кичиклик пайтларида вафот этган. Мория Қибтиядан Иброҳим исми фарзанд кўрганлар, у эмизикли пайтида вафот этган. Ҳадижа онамиздан тўртта қизлари бўлган: Зайнаб, Руқайя, Умму Кулсум ва Фотима онамиз. Улардан уч нафари Набий соллаллоҳу алайҳи вассалламдан олдин дунёдан ўтган. Фақат Фотима онамизгина у зот соллаллоҳу алайҳи вассалламдан олти ой кейин вафот этганлар. Пайғамбарларнинг сўнггиси бўлмиш Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассалламга фарзанд бобида мазкур ҳолатнинг жорий қилиниши Аллоҳ таолонинг ҳикматидандир.

Набий соллаллоҳу алайҳи вассалламдан сўнг Расул ҳам, Набий ҳам келмаслиги аниқ. Ким бунга хилоф эътиқод қилса, кофир бўлади. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг сўнгги пайғамбар эканларининг хабарини берган ушбу ояти каримани тасдиқловчи кўплаб ҳадиси шарифлар ҳам ворид бўлган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳи Убай ибн Каъбдан, у киши ўз оталаридан ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам қўйидагиларни айтдилар: «Менинг мисолим шуки, худди бир одам гўзал ва мукамал ҳовли-жой қуриб, ундан биргина ғиштни қўймай, ўрнини очиқ қолдирган, одамлар бинони айланиб кўриб, ундан ажабланиб, сўнгра: «Агар мана шу ерга ҳам ғишт қўйилганда эди», дейдилар, мен набийлар ичида ўша жойга қўйилган ғиштман»; Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Ирбоз ибн Сория розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Албатта, мен Аллоҳнинг наздида набийларнинг сўнггисидирман», деганлар.

“Иймон келтирган, солиҳ амалларни қилган ва Муҳаммадга нозил қилинган нарсага – ҳолбуки, у Роббларидан келган ҳақдир – иймон келтирганларнинг айбларини беркитади ва аҳволларини яхшилайдиган” (Муҳаммад, 2).

Иймон ҳақиқий бўлса, эгасини солиҳ амалларга ундайди, шунинг учун ҳам Қуръони каримда кўпинча «иймон»дан кейин «амали солиҳ» зикр этилади. «Иймон келтирган, солиҳ амалларни қилган...»

Аслида, иймоннинг ичида Муҳаммад алайҳиссаломга нозил қилинган Қуръони каримга иймон ҳам бор, лекин бу ерда Қуръон Парвардигор томонидан келган ҳақ нарса эканини яна бир бор бўрттириб кўрсатиш учун алоҳида таъкидланаяпти.

«...ва Муҳаммадга нозил қилинган нарсага – ҳолбуки, у Роббларидан келган ҳақдир...» Агар улар айб ёки гуноҳ

ишларни иймонга келишдан аввал содир этган бўлсалар, иймонга келишнинг ўзи иймондан олдинги барча гуноҳларни ювиб юборади. Иймондан кейин содир этилган бўлса, ҳақиқий иймон гуноҳкорни тавбага чорлайди. Тавба қилган иймонли бандасининг гуноҳини эса Аллоҳ таоло албатта мағфират қилади.

«...иймон келтирганларнинг айбларини беркитади ва аҳволларини яхшилади». Аллоҳ таоло иймонли кишиларнинг «аҳволларини яхшилади». Яъни иймонли инсоннинг ҳамма тарафдан кўнгли тўқ бўлади. Бундай инсон хотиржам, қалби сокин, тани соғ, ишончи комил, виждони пок, ҳаёти тинч, оиласи саодатли бўлади. Хуллас, Аллоҳ таоло ҳамма жиҳатдан унинг аҳволини яхшилади. Бу эса улкан бахт бўлиб, бундай бахтга фақат иймонли кишиларгина муяссар бўладилар.

“Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир, у билан бирга бўлганлар кофирларга шиддатли, ўзаро раҳмдилдирлар. Уларни рукуъ ва сажда қилган ҳолларида кўрасан. Аллоҳдан фазл ва розилик тиларлар. Юзларидаги аломатлари сажда асаридир. Уларнинг Тавротдаги ва Инжилдаги мисоллари ана шундайдир. Бу худди уруғини ёриб чиқиб, қувватланиб, йўғонлашиб, поясида тик туриб, деҳқонларни ажаблантирган бир экинга ўхшар – улар билан кофирларни ғазаблантириш учун. Аллоҳ улардан иймон келтирган ва солиҳ амалларни қилганларига мағфират ва буюк ажрни ваъда қилди” (Фатх, 29).

Бу ояти карима Муҳаммад алайҳиссаломнинг Расуллик сифатларини таъкидлаш билан бошланмоқда: «Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир...» Маълумки, мушрик ва кофирлар бу сифатларни инкор қилган эдилар. Уларнинг вакили Сухайл ибн Амр, мазкур сура тафсирининг аввалида айтилганидек, Набий алайҳиссалом сулҳ матнини имло қилаётганларида, матндан «Аллоҳнинг Расули» деган иборани ўзгартиришларини қатъий талаб қилиб туриб олган, «Биз сенинг Аллоҳнинг Расули эканингни тан олганимизда бу ишларни қилмас эдик» деган маънода гап қилган эди. Ояти карима мушрикларнинг мана шу қайсарликларига қақшатқич зарба бермоқда.

Мўмин-мусулмонларнинг яхши сифатлари кўп, аммо ушбу оятда уларнинг вакиллари бўлмиш саҳобаи киромларнинг баъзи сифатлари махсус васф қилинмоқда: «...у билан бирга бўлганлар кофирларга шиддатли, ўзаро раҳмдилдирлар». Саҳобаи киромларнинг фазлларини зоҳир этиш учун келтирилган ушбу сифат ҳар бир мўминнинг ҳам сифати бўлиши лозим. Саҳобалар ўзларининг оталари ёки болалари кофирлар сафида бўлса, уларга қарши ҳам қаттиққўл бўлганлар. Аммо, ким бўлишидан қатъи назар, мусулмонга нисбатан меҳрибон бўлишган.

«Уларни рукуъ ва сажда қилган ҳолларида кўрасан». Улар доим рукуъ ва сажда ҳолатида, яъни ибодат ҳолатида бўладилар. Мўмин-мусулмон шахснинг, хоссатан, оятда мадҳлари келаётган саҳобаи киромларнинг барча ҳаётлари ибодатдан иборатдир. Лекин, шундай бўлса ҳам, оятда банданинг Аллоҳга энг яқин бўладиган пайти – рукуъ ва сажда пайтини зикр қилиниши бежиз эмас. Ояти каримадаги тавсифдан улар худди доимо рукуъ ва саждада тургандек тасаввур пайдо бўлади.

«Аллоҳдан фазл ва розилик тиларлар». Уларнинг асосий сифатларидан бири – ҳамма ишни Аллоҳнинг фазли ва розилиги учун қилишлари. Бошқа бирор тараф ёки

шахснинг розилиги деб, Аллоҳнинг розилигини четга сурмайдилар. Шунинг учун фазлу марҳаматни ҳам фақат ягона Аллоҳнинг Ўзидан кутадилар.

Яна бир сифатлари: «Юзларидаги аломатлари сажда асаридир». Яъни ибодатнинг асари юзларидан билиниб туради. Бу оддий ҳақиқат бўлиб, ибодатли, пок, тақводор инсонларнинг юзларидан иймон нури ёғилиб туришини ҳар бир мулоҳазали, кўзи очик киши кўра олади.

Пайғамбаримиздан қилинган ривоятлардан бирида: «Кимнинг тунда намози кўпайса, кундузи юзи чиройли бўлади», дейилган. Саҳобаи киромлар бу борада ҳаммага ўрнак бўлишган.

«Уларнинг Тавротдаги ва Инжилдаги мисоллари ана шундайдир». Ушбу ояти каримадан маълум бўладики, саҳобаи киромларнинг сифатлари аввалги илоҳий китоблар – Таврот ва Инжилда ҳам зикр қилинган. Маълумки, ҳозирда яҳудийларнинг қўлларидаги Таврот Мусо алайҳиссаломга Аллоҳ таолодан нозил қилинган ҳақиқий Таврот эмас, балки бузилиб, ростидан ёлғони, тўғрисида нотўғриси кўп ҳолатга келган бир китобдир. Инжил ҳақида ҳам худди шу нарсани айтиш мумкин. Шундай бўлса-да, уламоларимиз бу икки китобнинг ҳозирги нусхаларидан ҳам мазкур ояти каримани тасдиқловчи матнларни топишган.

Биз ўрганаётган ояти каримада эса ҳақиқий, ҳеч бузилмаган илоҳий васф келган, у ҳам бўлса: «Бу худди уруғини ёриб чиқиб, қувватланиб, йўғонлашиб, поясида тик туриб, деҳқонларни ажаблантирган бир экинга ўхшар...» Ушбу зарбулмасал ила Аллоҳ таоло Ислом динининг бошланиши, ўсиши, улғайишини баён қилмоқда. Чунки Муҳаммад алайҳиссалом ёлғиз ўзлари бошлаган даъватни саҳобаи киромлар қўллаб-қувватлашди ва шу тарзда, худди қобиғини ёриб чиққан уруғ аста-секин ривожланиб, деҳқоннинг кўзини қувонтирадиган ўсимликка айлангани сингари, Ислом ҳам Пайғамбаримиз бошчиликларидаги саҳобалар жамиятида ўсиб, кўзни қувонтириб борди.

Лекин бу ҳолат кофирларнинг ғазабини кўзғатар эди. Шунинг учун ҳам ояти каримада «...улар билан кофирларни ғазаблантириш учун» деган ибора келди. Ушбу маънодан келиб чиқадики, саҳобалардан ғазоби кўзиган, уларни беҳурмат қилганлар кофирлар қаторига қўшилар экан.

Оятдаги шунчалик иззат-икром устига, Аллоҳ таоло саҳобаи киромларга яна мағфират ва улуғ ажрларни ҳам ваъда қилмоқда: «Аллоҳ улардан иймон келтирган ва солиҳ амалларни қилганларига мағфират ва буюк ажрни ваъда қилди». Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ, У Зот Ўз ваъдасига асло хилоф қилмайди. Саҳобалар – улуғ инсонлар. Пайғамбаримизнинг суҳбатларини топишдан ҳам улуғроқ бахт борми дунёда?! Шунинг учун ҳам ҳар бир мусулмон саҳобаи киромларнинг ҳурматларини ўрнига қўйиши лозим. Уларга нисбатан беодоблик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадиси шарифларидан бирида: «Саҳобаларимни сўкманглар, менинг нафсим қўлида бўлган Зот билан қасамки, агар бирортангиз Уҳуд тоғидек олтин нафақа қилсангиз ҳам, уларнинг биттасининг бир муддига (огирлик ўлчови) тўғри келмайди», деганлар.

(“Тафсири Ҳилол”дан)

РАСУЛУЛЛОҲНИ (с.а.в.) СЕВИШ ИЙМОНДАНДИР!



Жубайр ибн Мутъам розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Менинг бир неча исмларим бор: мен Муҳаммадман. Мен Аҳмадман. Мен Моҳийман – ўчирувчиман, Аллоҳ мен билан куфрни ўчиради. Мен Ҳоширман – тўпловчиман, Аллоҳ менинг оёқларим олдида одамларни ҳашр этади. Мен ундан кейин бирорта келмайдиган Оқибман», дедилар. Батаҳқиқ, Аллоҳ у зотни Рауф ва Роҳийм деб атаган (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Абу Мусо Ашъарий розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам бизга ўзларининг бир неча исмларини айтар эдилар: «Мен Муҳаммадман, Аҳмадман, Муқаффийман, Ҳоширман, Набийют-тавбаман, Набийюр-роҳмаман», дер эдилар» (Имом Муслим ривояти).

Абу Мусо Ашъарийдан (розияллоху анху) ривоят қилинади. Расулulloх (соллаллоху алайҳи васаллам) бундай деганлар: «Аллоҳ мени илм ва ҳидоятдан иборат нарса билан юборганининг мисоли бир ерга ёққан ёмғирнинг мисоли кабидир. Аллоҳ сув билан одамларга манфаат беради. Улар ундан ичишади, суғоришади ва экин экишади. Баъзи жойдаги унумдор тоза ер сувни яхши қабул қилади ва ўт-ўланларни яхши ўстириб, экин кўп битади. Баъзи жойдаги ер қаттиқ чиқиб, сувни тугиб қолади, экин унча бўлмайди. Ернинг баъзи жой-

лари силлиқ бўлганидан сувни ҳам тутмайди ва экинни ҳам ўстирмайди. Мана шу ҳолат худди Аллоҳнинг динида фақиҳ бўлган киши мисолига ўхшайди. Аллоҳ мен орқали юборган нарса унга манфаат беради. Ўзи ҳам ўрганади, бошқаларга ҳам ўргатади. Бошқа баъзилари ўша нарсага эътибор бермаган кишига ўхшайди. Яна бири эса, мен орқали юборилган Аллоҳнинг ҳидоятини қабул қилмаган одамга ўхшайди» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оссдан (розияллоху анху) ривоят қилинади. Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам): «Ким менга саловот айтса, Аллоҳ таоло унга ўнта саловот айтади», деганлар (Имом Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розияллоху анху) ривоят қилинади. Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам): «Қиёмат куни менга энг яқин бўладиган кишилар менга кўп саловот айтадиганлардир», дедилар (Имом Термизий ривояти).

Али ибн Абу Толибдан (розияллоху анху) ривоят қилинади. Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам): «Бир кишининг ҳузурида зикр қилинсаму, менга саловот айтмаса, ана шу киши бахилдир», деганлар (Имом Термизий ривояти).

* * *

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Менинг мисолим (катта) олов ёққан кишининг мисоли кабидир. Олов атрофни ёритгач, парвона (капалак)лар, оловга ўзини ташлайдиган ҳашаротлар унга ўзини ота бошлайди. Ва (олов ёққан киши) уларни тутиб қолмоқчи бўлади. Улар эса одамдан устун келиб, барибир ўзини оловга отади. Мен сизларнинг белбоғингиздан тутиб, оловдан ушлаб қолувчиман. Сизлар эса, ўзини оловга ташловчисизлар», дедилар». Бу Имом Бухорийнинг ривоятлари, Имом Муслим ҳам шу каби ривоятни келтириб, охирида: «Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Мана шу мен билан сизларнинг мисолингиздир, мен белбоғларингиздан тутиб оловдан ушлаб қолувчиман: «Оловдан узоқ бўлинглар, оловдан узоқ бўлинглар!» дейман. Сизлар эса мендан устун келиб, ўзларингизни оловга ташлайсизлар», дедилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

* * *

Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Банда наздида мен унинг аҳлидан, молидан, одамларнинг барчасидан афзал бўлмагунимча у мўмин бўла олмайди», деганлар (Имом Муслим ривояти).

* * *

Абу Шайх (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: «Одамларга нима бўлдики, аҳли байтимни (камситиб), менга озор етказишяпти. Аллоҳга қасамки, банда то мени суймагунимча мўмин бўлолмайди. То зурриётимни яхши кўрмагунимча мени яхши кўролмайди» (Имом Ҳоким ривояти).

* * *

Мўминлар онаси ҳазрати Умму Саламадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: «Пайғамбар алайҳиссалом бундай деганлар: «Мен ҳам бир одамман, холос. Талашиб-тортишганлар ҳузуримга келишганида баъзилари бошқаларидан ҳужжатни яхшироқ кўрсатиши, мен эса унинг фойдасига ҳукм қилишим мумкин. Кимга бир мусулмоннинг ҳақидан ҳукм қилиб берсам, у дўзах ўтидан бир бўлакдир. Хоҳласа олиб, хоҳласа қолдириб кетсин» (Имом Бухорий ривояти).

* * *

Зухра ибн Маъбуднинг (розияллоҳу анҳу) боболаридан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бирга эдик. У зот Умар ибн Хаттобнинг қўлларидан тутиб турардилар. Умар: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга қасамки, сиз менга ўзимдан бошқа ҳаммадан севимлисиз», деди. Шунда Расули акрам: «Сизларнинг бирортангизга ўздан ҳам севимли бўлмагунимча у мўмин бўлолмайди», дедилар. Ҳазрати Умар: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга қасамки, энди сиз менга ўзимдан ҳам севимлисиз», деди. Расулulloҳ: «Ана энди тўғри бўлди, эй Умар», дедилар» (Имом Аҳмад ривояти).

* * *

Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Банда наздида унинг аҳлидан, молидан, одамларнинг барчасидан афзал бўлмагунимча у (комил) мўмин бўла олмайди», деганлар (Имом Муслим ривояти).

* * *

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менга мендан олдин ҳеч кимга берилмаган беш нарс берилди. Ҳар бир набий ўз қавмига хос қилиб юборилар эди, мен барча қизил ва қораларга юборилдим. Менга ўлжалар ҳалол қилинди, мендан олдин ҳеч кимга ҳалол қилинмаган эди. Менга ер масжид ва покловчи нарс қилинди, бас, менинг умматимдан кимга қаерда намоз ўқиш етса, ўша ерда ўқисин. Менга бир ойлик масофадаги кучли кўрқинч билан нусрат берилди. Менга шафоат берилди», дедилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилишган).

* * *

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен Қиёмат куни одам боласининг улуғидирман. Устидан қабр биринчи ёриладиган шахс менман. Аввалги шафоатчи менман. Аввалги шафоат қилинувчи менман», дедилар (Имом Муслим ривояти).

* * *

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жамловчи калималар ила юборилдим. Менга кўрқинч билан нусрат берилди. Ухлаб ётганимда, менга ер хазиналарининг калитлари келтирилди ва қўлимга берилди», дедилар. Абу Ҳурайра айтди: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кетдилар. Сизлар эса уларни чиқариб олмоқдасизлар» (Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилишган).

* * *

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Бошқа набийлардан олти нарс билан афзал қилиндим: менга жамловчи калом берилди. Менга душманимга кўрқинч солиш билан нусрат берилди. Менга ўлжалар ҳалол қилинди. Менга ер покловчи ва масжид қилинди. Мен ҳамма халойиққа юборилдим. Мен билан набийлар тугатилди» (Имом Муслим ривояти).

* * *

Восила ибн Асқаъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, Аллоҳ валади Исмоилдан Кинонани танлаб олди. Кинонадан Қурайшни танлаб олди. Қурайшдан Бани Ҳошимни танлаб олди. Бани Ҳошимдан мени танлаб олди», дедилар» (Имом Муслим ривояти).

* * *

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Албатта, менинг ва мендан олдинги набийларнинг мисоли худди бир уйни яхшилаб, чиройли қилиб қуриб, бир бурчагидан бир ғиштнинг ўрнини қолдириб қўйилганига ўхшайди. Одамлар уни айланиб кўриб, қойил қолишади

ва: «Мана шу ғишт ҳам ўрнига қўйилганда эди!» дейишади. Мен ўша ғиштман. Мен набийларнинг хотимиман», дедилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилишган).

* * *

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Қиёмат куни жаннатнинг эшигига келиб очишни сўрайман. «Сен кимсан?» дейилади. «Муҳаммадман», дейман. «Сенга амр қилинганман. Сендан олдин ҳеч кимга очмайман», дейилади» (Имом Муслим ривояти).

* * *

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир набий сўраганини сўраб бўлган ёки ҳар бир набий ўз дуосини қилди ва ижобат бўлди. Мен ўз дуоимни Қиёмат куни умматимга шафоат қилдим», дедилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилишган).

* * *

Аббос ибн Абдулмуттолиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Аллоҳни Робб, Исломи дин, Муҳаммадни Расул деб, рози бўлса, иймон таъмини тотган бўлади», дедилар» (Имом Муслим ривояти).

* * *

Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Эй Абу Саъид, ким Аллоҳни Робб, Исломи

дин, Муҳаммадни Расул деб рози бўлса, унга жаннат вожиб бўлади» (Имом Муслим ривояти).

* * *

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Менга нисбатан ёлғон тўқиманглар. Албатта, ким менга нисбатан ёлғон тўқиса, дўзахга киради» (Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилишган).

* * *

Самура ибн Жундаб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ким менинг номимдан ёлғонлиги кўришиб турган ҳадисни айтса, у ёлғончиларнинг биридир» (Имом Муслим ривояти).

* * *

Абу Дардо ва Абу Заррдан (розияллоҳу анҳумо) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қиёмат куни сажда қилишга биринчи изн берилган одам мен бўламан. Саждадан бошимни кўтариб, олдимга, ортимга, ўнг ва чап томонларимга қарайман, бошқа умматлар ичидан ўз умматимни танийман», деганлар» (Ибн Абу Ҳотим ривояти).

* * *

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир Набий сўраганини сўраган ёки ҳар бир Набий ўз дуосини қилди ва ижобат бўлди. Мен ўз дуоимни Қиёмат куни умматимга шафоат қилдим», дедилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилишган).

ТАРИХНИНГ ШОНЛИ САҲИФАЛАРИ



571 йил 20 апрел – Маккада ҳошимийлар маҳалласида пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломнинг туғилишлари (12-робийул-аввал, душанба куни)

577 йил – Пайғамбаримизнинг оналари билан Мадинага бориб, ота қабрини ва тоғаларини зиёрат қилишлари ҳамда қайтишда Абво қишлоғида оналари вафоти.

579 йил – Пайғамбар алайҳиссаломни тарбиялаётган болалари Абдулмутталиб вафоти ва у зот амакилари Абу Толиб кафолатига ўтишлари.

583 йил – Мухаммад алайҳиссаломнинг амакилари Абу Толиб билан Шомга тижорат қарвонида кетишлари ва Бусро шаҳрида насроний руҳонийи Бухайронинг кутилаётган пайғамбар шу бола эканини сезиши.

591 йил – Мухаммад алайҳиссаломнинг Канона ва Қайс қабилалари ўртасида тўрт йил давом этган Фужжор ҳарбида бетараф қолишлари ва Ҳилфул-Фузул сулҳида иштирок этишлари.

595 йил – Пайғамбаримизнинг Ҳазрати Хадичанинг қули Майсара билан Шомга тижорат сафари қилишлари.

596 йил – Мухаммад алайҳиссаломнинг Макканинг баобрў аёлларидан Хадича бинти Ҳувайлид билан оила қуришлари.

606 йил – Пайғамбаримизнинг Каъбани қайта қуришда қатнашлари.

Биъса - пайғамбарлик даврининг асосий воқеалари:

610 йил (пайғамбарликнинг биринчи йили Рамазон ойида) – Пайғамбаримизнинг қирқ ёшларида Хиро (Нур) тоғида илк ваҳийнинг келиши ҳамда у зотнинг Маккадаги пайғамбарлик даврларининг бошланиши, энг яқинларини Ислоғга даъват қилишлари ва Ҳазрати Хадича, Али, Зайд ва Абу Бакрларнинг мусулмон бўлишлари. Византияда эса Ҳирақл сулоласининг бошланиши (717 йилда тугаган).

613 йил (пайғамбарликнинг тўртинчи йили) – уч йиллик яширинча даъватдан сўнг Сафо тепалигига чиқиб Ислоғга очик даъватнинг бошланиши.

614 йил (пайғамбарликнинг бешинчи йили) – Макка мушрикларининг тазйиқи туфайли бир гуруҳ мусулмонларнинг Ҳабашистонга биринчи ҳижрати.

615 йил (пайғамбарликнинг олтинчи йили) – Ҳазрати Ҳамза ва Ҳазрати Умарнинг мусулмон бўлишлари. Мусулмонлар иккинчи гуруҳининг Ҳабашистонга ҳижрати.

616 йил (пайғамбарликнинг еттинчи йили) – Қурайшийларнинг Ҳошимийлар билан муносабатларни узиши ва уларга қарши қамал эълон қилиши

618 йил (пайғамбарликнинг тўққизинчи йили) – қурайшийлар томонидан уч йиллик қамалнинг бекор қилиниши.

619 йил (пайғамбарликнинг ўнинчи йили) – Ҳазрати Хадича ва Абу Толибнинг вафотлари, бу йилни Расулulloх «омул ҳузн» (ғам-ғусса йили) деб аташлари. Мухаммад алайҳиссаломнинг Савда бинти Замъага уйланишлари. Қурайшнинг Пайғамбаримизга озори кучайиши. Расули ақрамнинг тоифликларни Ислоғга даъват қилиш учун Тоифга боришлари.

620 йил (пайғамбарликнинг ўн биринчи йили) – Пайғамбаримизнинг одамлар кўп тўпланадиган Мино, Арафотда ва машҳур бозорларда қабилаларни ўзларига эргашишга даъват этишлари. Ҳазрати Оиша билан никоҳ ақди қилинишлари. Биринчи Ақоба байъати.

621 йил (пайғамбарликнинг ўн иккинчи йили) – Расулulloхнинг Исро (кўчиш) ва Меърож (кўтарилиш) воқеалари, намознинг фарз қилиниши. Иккинчи Ақоба байъати. Мусъаб ибн Умайрнинг даъват учун Мадинага юборилиши.

Ҳижрий сана бошланганидан кейинги асосий воқеалар:

Ҳижрий 1 йил – милодий 622 йил (пайғамбарликнинг ўн учинчи йили) – Сафар ойида Пайғамбар алайҳиссаломнинг эллик уч ёшларида Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ билан Маккадаги Мадинага ҳижрат қилишлари (кўчишлари). Ҳижрий тақвимнинг бошланиши. Абу Айюб Ансорий ҳовлисидан Қубо масжиди ва Расулulloҳ масканлари барпо қилиниши. Қубодан Мадинага кетишдаги Бани Салим юртида илк бор жума намози ва хутба ўқирилиши. Масжиди Набавий ва Хонаи саодатнинг қурилиши. Азоннинг жорий қилиниши. Мусулмонларни биродарлаштириш. Урушга изн берилиши. Пайғамбаримизнинг Ҳазрати Оишага уйланишлари. Расулulloҳнинг эмиқдош биродарлари Усмон ибн Маъзуннинг вафоти.

Ҳижрий 2 йил – милодий 623 йил. Вадон, Бувот, Ушайра ғазотлари. Қибланинг Қуддусдаги Ақсо масжидидан Маккадаги Масжидул-Ҳаромга ўзгартирилиши. Рамазон рўзаси ва закотнинг фарз қилиниши. Исрода илк уруш ҳисобланган Бадр ғазоти (12-Рамазон) нинг зафари. Рамазон ва қурбон Ийд (ҳайит)ларининг расман байрам қилиниши. Яҳудийлар билан сиёсий муносабатлар ўрнатилиши. Пайғамбар алайҳиссаломнинг Маккада унаштирилган Ҳазрати Оиша билан оила қуришлари. Шаввол ойида Бани Қайнуқоъ ғазотининг бўлиши. Зул-ҳижжа ойида Сувайқ (Талқон) ғазоти. Ҳазрати Алининг Пайғамбаримиз қизлари Фотимаи Заҳро билан никоҳланишлари. Муҳожирлардан илк чақалоқ Абдуллоҳ ибн Зубайр ҳамда ансорийлардан илк бола Нўмон ибн Баширнинг туғилиши. Расулulloҳ қизлари ва Ҳазрати Усмон завжалари Руқайянинг вафоти.

Ҳижрий 3 йил – милодий 624 йил. Рабиъул-аввал ойида Ғатафон ғазотининг бўлиши. Жумадул-аввалнинг 6-кунида Бухрон ғазоти. Шаввол ойида (милодий 625 йил 27 март) Уҳуд ғазоти ва бу жангда Пайғамбаримиз амакилари Ҳамза ибн Абдулмутталибнинг шаҳид бўлиши. Расулulloҳнинг Ҳазрати Умар қизлари Ҳафса онамиз, Зайнаб бинти Ҳузайма ва Ҳазрати Усмоннинг қизлари Умму Кулсумга уйланишлари. Ҳазрати Али ва Фотиманинг тўнғич фарзанди, Пайғамбаримиз набиралари Ҳазрати Ҳасанининг туғилиши. Яҳудийлар томонидан мусулмонларга қарши душманлик ҳаракатлари бошланиши ва мунофиқларнинг ўртага чиқиши. Ҳамроул-Асад ғазоти.

Ҳижрий 4 йил – милодий 625 йил. Рожиъ ва Биъри Мауна фожиаларининг содир бўлиши. Бани Назир ғазоти. Хамрнинг ҳаром қилиниши. Пайғамбар алайҳиссаломнинг Умму Салама онамизга уйланишлари. Шаъбон ойида Ҳазрати Ҳусайннинг туғилишлари.

Ҳижрий 5 йил – милодий 626 йил. Давматул-Жандал ғазоти. Бани Мустаълиқ ғазоти. Ҳазрати Оишага нисбатан Ифк (туҳмат) ҳодисаси. Таяммумнинг машруъ бўлиши. Пайғамбаримизнинг Зайнаб бинти Жаҳш ҳамда Жувайрия бинти Хорисга уйланишлари. Шаввол ойида Ҳандақ ёки Аҳзоб жанги. Зул-қаъда ойида Бани Қурайза ғазоти.

Ҳижрий 6 йил – милодий 628 йил. Шартлари оғир кўринсада Исом учун зафар ҳозирлаган Ҳудайбия сулҳининг имзоланиши. Шаъбон ойида Мурайсий ғазотининг бўлиши.

Ҳижрий 7 йил – милодий 628 йил. Муҳаррам ойида Пайғамбар алайҳиссаломнинг Византия, Эрон, Миср, Ҳабашистон, Уммон, Яман, Баҳрайн, Ямома ҳукмдорларига расмий мактуб юборишлари. Ҳайбарнинг фатҳ этилиш жанги. Пайғамбаримизнинг София бинти Ҳуяй ҳамда Умму Ҳабиба бинти Абу Суфёнга уйланишлари. Зотур Риқоъ ғазоти. Зул-қаъда ойида қазо умрасининг адо этилиши. Шу ой охирида Пайғамбаримизнинг Маймуна бинти Хорисга уйланишлари.

Ҳижрий 8 йил – милодий 629-630 йиллар. Жумадул-ула ойида Мута ғазоти. Рамазон ойида Ҳунайн (Ҳавозин) ғазоти.

Шу ойда хамр ва ўлимтик сотиш, мутъа (вақтинча) никоҳнинг ҳаром қилиниши. Пайғамбар алайҳиссаломнинг қизлари Зайнаб вафоти. 10-Рамазон (10 январ) куни Макканинг фатҳ этилиши. Тоиф ғазоти. Жиърона умрасининг адо этилиши. Зулҳижжа ойида Пайғамбар алайҳиссаломнинг завжаи мутоҳхаралари Ҳазрати Зайнабнинг вафоти ва ўғиллари Иброҳимнинг туғилиши.

Ҳижрий 9 йил – милодий 630-631 йиллар. Ражаб ойида Табук ғазоти ва қайтишда фитна уяси бўлган Дирор масжидининг ёқиб юборилиши. Шу ойда Ҳабашистон нажошийининг вафоти ва унга ғойибона жаноза ўқирилиши. Шаъбон ойида Умму Кулсум вафотлари. Бутун қабилалардан вакиллар келиб мусулмон бўлганларини билдириши ва Исомнинг Арабистон ярим оролига батамом ёйилиши. Рибонинг ҳаром қилиниши. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ амирликларида кишиларнинг ҳаж қилишлари.

Ҳижрий 10 йил – милодий 632 йил. 8 март куни (зулҳижжа ойининг 9-жумаси) вадо (хайрлашув) ҳажи ва Маккада тўпланган 124 минг кишилик жамоатга Расулulloҳнинг машхур Вадо хутбасини қилишлари. Ҳақнинг ғолиб, ботилнинг мағлуб бўлиши. Шу ойда Қуръони карим оятлари нозил бўлишининг тамомланиши. Пайғамбаримиз ўғиллари Иброҳимнинг вафоти. Пайғамбар алайҳиссаломнинг Бақъ қабристонидан марҳум мўминларга салом йўллаб, шаҳидлар ҳаққига дуо қилишлари.

Ҳижрий 11 йил Робиъул-аввал ойининг 2-куни – милодий 632 йил майи (ёки 8 июн), Пайғамбар алайҳиссаломнинг вафотлари ва Ҳужраи Саодатга дафн этилишлари. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқнинг халифаликка сайланишлари ва «Хулафои рошидин» дейилувчи беш халифа даврининг бошланиши.



ХУЛҚЛАРИ ҚУРЪОН ЭДИ...

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одамларнинг энг гўзали, одамларнинг энг саҳийи, одамларнинг энг шижоатлиси эдилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Баро ибн Озиб (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одамларнинг энг чиройлиси ва хулқи энг гўзали эдилар» (Имом Бухорий ривояти, «Жомеъус-саҳиҳ»).

Алқамадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Ҳазрати Оишадан: «Пайғамбаримизнинг намозлари қандай эди?» деб сўрадик. Оиша онамиз бундай жавоб бердилар: «Сизларнинг қай бирингиз Пайғамбар (алайҳиссалом) қодир бўлган нарсага қодир бўла олар эди?! У зотнинг амаллари давомий эди» (Имом Бухорий, Муслим, Аҳмад ривояти).

Абу Абдуллоҳ Жадалийдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Ҳазрати Оишадан: «Пайғамбар алайҳиссаломнинг оиладаги хулқлари қандай эди?» деб сўрадим. Оиша онамиз бундай дедилар: «Инсонларнинг энг гўзал хулқлиси эдилар: фаҳш сўзларни гапирувчи ва фаҳш ишларни қилувчи эмас эдилар, бозорларда бақириб юрувчи эмасдилар, ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтармасдилар, лекин гуноҳидан ўтиб, кечирар эдилар» (Имом Термизий, Аҳмад ривояти).


Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулulloҳ (алайҳиссалом) қул чақирса ҳам жавоб қилар, касални бориб кўрар ва эшак миниб юрар эдилар» (Абу Наъим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафот этганларида ортларидан на бир динор ё дирҳам пул, на бир қул, на бир чўри қолдирмай, балки совутларини бир яҳудийга ўттиз соъ таомга гаровда қолдириб дунёдан ўтдилар» (Имом Аҳмад ривояти).

Ҳасан ибн Али айтадилар: «Пайғамбар алайҳиссаломга таом келтирилса, уни ерга қўйишни буюрар ва: «Мен бир бандаман, банда егани каби ейман ва банда ўтиргани каби ўтираман», дер эдилар» (Абдуллоҳ ибн Муборак ривояти).

Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида хизматчилари йўқ эди. Абу Толҳа қўлимдан тутиб Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига олиб кирди ва: «Эй Аллоҳнинг Расули, Анас хушёр ва ақлли бола, сизга хизмат қилсин», деди. У зот Мадинага келганларидан бошлаб вафотларига-ча сафарда ҳам, ҳазарда ҳам хизмат қилдим. Бирор қилган ишим учун «Нимага уни бундай қилдинг?» демадилар. Шунингдек, қилмаган нарсам учун «Нимага буни қилмадинг?» демадилар» (Имом Бухорий ривояти).

Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга бир нарсга келтирилса, «Буни фалон аёлга олиб бориб беринглар, у Хадичанинг дугонаси эди, буни фалон аёлга олиб бориб беринглар, у Хадичани яхши кўрар эди», дер эдилар» (Имом Бухорий ривояти).



Жарир ибн Абдуллоҳдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Мен мусулмон бўлганимдан кейин қачон Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрган бўлсам, албатта юзимга табассум билан қараганлар» (Имом Бухорий ривояти).

Мўминлар онаси ҳазрати Оишадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам оғизларини катта очиб, ичи кўринадиган ҳолда кулганларини кўрмаганман. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам доимо табассум қилар эдилар. Бир булут ёки шамол кўтарилганини кўрсалар, юзларидан ташвишланаётганлари билинар эди. «Эй Аллоҳнинг Расули, одамлар булут кўришса, ёмғир ёғади, деб хурсанд бўлишади, сиз эса булут кўрсангиз, юзингизда ташвиш аломати пайдо бўлади», дедим. «Эй Оиша, унда азоб йўқлигига ким менга кафолат бера олади? Бир қавм шамол билан азобланган, бир қавм азоб кўрганда келаётган бу булут бизга ёмғир ёғдиради, деган», дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

Мўминлар онаси ҳазрати Оишадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки ишдан бирини танлаш ихтиёрида бўлсалар, агар гуноҳ бўлмаса албатта енгилини-осонини танлар эдилар. Бирор гуноҳ иш бўлса ўша гуноҳ ишдан одамларнинг энг узоғи бўлар эдилар. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзлари учун қасос олмаганлар, фақат Аллоҳ таолонинг ҳурмати поймол

этилса, Аллоҳ азза ва жалла учунгина қасос олганлар» (Имом Бухорий ривояти).

Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам жуда раҳмдил киши эдилар. Олдиларига ким келса, ваъда берардилар, сўнг ҳузурларида ўша нарса бўлса уни бермасдан қўймас эдилар. Намозга иқома айтилди. Бир аъробий келиб, у кишининг кийимларидан ушлаб тўхтатди ва: «Менинг озгина ҳожатим бор, эсимдан чиқиб қолмай туриб эшитинг», деди. У зот ҳожатини айтиб бўлгунча бирга турдилар ва сўнг бориб намозни ўқидилар» (Имом Бухорий ривояти).

Жобир ибн Абдуллоҳдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Пайғамбардан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нима нарса сўралмасин, «йўқ» демаганлар» (Имом Бухорий ривояти).

Мўминлар онаси ҳазрати Умму Саламадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: «Пайғамбар алайҳиссалом бундай деганлар: «Мен ҳам бир одамман, холос. Талашиб-тортишганлар ҳузуримга келишганида баъзилари бошқаларидан ҳужжатни яхшироқ кўрсатиши, мен эса унинг фойдасига ҳукм қилишим мумкин. Кимга бир мусулмоннинг ҳақидан ҳукм қилиб берсам, у дўзах ўтидан бир бўлакдир. Хоҳласа олиб, хоҳласа қолдириб кетсин» (Имом Бухорий ривояти).

Рофеъ ибн Хадидан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васал-

лам) Мадинага келганларида шаҳар аҳли хурмоларни (серҳосил бўлиши учун) чанглатишар эди. Расулulloх (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Нима қияпсизлар?» дедилар. Улар: «Биз шундай қиламиз», дейишди. Расулulloх (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Балки бундай қилмасаларингиз ҳам яхши бўлар», дедилар. Улар (чанглатишни) тарк қилишди. Шунда (хурмо ме-валари) камҳосил бўлди. Рофеъ айтади: «Улар буни Расулulloхга айтишди. Расулulloх (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Албатта мен ҳам инсонман, агар сизларга дин ишларингиздан бир нарсани буюрсам, уни олин-глар. Агар сизларга ўз фикримдан келиб чиқиб, (динга боғлиқ бўлмаган) бир ишни буюрсам, ўзларинг биласизлар, мен ҳам бир инсонман», дедилар. (Имом Муслим ривояти).

Абдуллох ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: "Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сурмадонлари бор эди, кечаси уйкуга ётиш олди-дан икки кўзларига уч мартадан сурма тортар эдилар" (Имом Термизий, Ибн Можа ривояти).

Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулulloх (соллаллоҳу алайҳи васаллам) хушбўй нарсаларни рад этмас эдилар» (Имом Бухорий ривояти).

Мўминлар онаси ҳазрати Оишадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: «Расулulloхнинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) хулқлари Қуръон эди» (Имом Муслим ривояти).

Ҳазрати Оишадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: "Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таолони ҳар он, ҳар дам, ҳар лаҳзада зикр қилар эдилар" (Имом Муслим, Абу Довуд, Термизий ривояти).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ чиройли овозли Набийнинг овоз чиқариб Қуръонни оҳангли қилиб ўқиганига қулоқ солганчалик ҳеч бир нарсага қулоқ солмаган», дедилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, мен карамли ахлоқларни комил қилиш учун юборилганман», дедилар» (Имом Аҳмад, Бухорий ва Ҳоким ривоят қилишган).

Абу Абдуллох Жадалийдан ривоят қилинади: «Оиша розияллоҳу анҳудан Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқлари ҳақида сўрадим. Шунда у: «У зот фахш сўзловчи ҳам, фахш қилувчи ҳам ва бозорларда шовқин солувчи ҳам эмасдилар. У зот ёмонликни ёмонлик билан қайтармас, лекин афв қилиб, кечирар эдилар», деди» (Имом Термизий ривоят қилган).

Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам чачвонидаги мастура қиздан ҳам ҳаёлироқ эдилар. Қачон бир нарсани ёқтирмасалар, юзларидан билар эдик» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мўмин мўминага ғазаб қилмасин, агар унинг бир хулқини

ёқтирмаса, бошқасини ёқтиради», дедилар» (Имом Муслим ривоят қилган).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким икки қизни балоғатга етгунча боқиб катта қилса, мен билан бирга», дедилар ва бармоқларини бирлаштириб кўрсатдилар» (Имом Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирингизнинг ходими таомини олдингизга олиб келса, унга бир-икки лўқма ёки бир-икки ошам едириб қўйсин, чунки у шу таомни тайёрлаган», дедилар» (Имом Муслим ривоят қилган).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ чиройли овозли Набийнинг овоз чиқариб Қуръонни оҳангли қилиб ўқиганларига қулоқ солганчалик ҳеч бир нарсага қулоқ солмаган», дедилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, мен карамли ахлоқларни комил қилиш учун юборилганман», дедилар» (Имом Аҳмад, Бухорий ва Ҳоким ривоят қилишган).


Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Бир киши Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Эй Расулаллох, ким яхшилик қилишимга ҳақлироқ?» деди. «Онанг», дедилар. «Сўнгра ким?» деди. «Онанг», дедилар. «Сўнгра ким?» деди. «Онанг», дедилар. «Сўнгра ким?» деди. «Отанг», дедилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Абу Дардодан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Тарозида ҳусни хулқдан оғирроқ нарса йўқдир», деганлар» (Имом Бухорий ривояти).

Мўминлар онаси ҳазрати Оишадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: «Расулulloх (соллаллоҳу алайҳи васаллам) икки ишдан бирини танлаш ихтиёрида бўлсалар, агар гуноҳ бўлмаса албатта енгилини-осонини танлар эдилар. Бирор гуноҳ иш бўлса ўша гуноҳ ишдан одамларнинг энг узоғи бўлар эдилар. Расулulloх (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ўзлари учун қасос олмаганлар, фақат Аллоҳ таолонинг ҳурмати поймол этилса, Аллоҳ азза ва жалла учунгина қасос олганлар» (Имом Бухорий ривояти).

Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам жуда раҳмдил киши эдилар. Олдиларига ким келса, ваъда берардилар, сўнг ҳузурларида ўша нарса бўлса уни бермасдан қўймас эдилар. Намозга иқома айтилди. Бир аъробий келиб, у кишининг кийимларидан ушлаб тўхтатди ва: «Менинг озгина ҳожатим бор, эсимдан чиқиб қолмай туриб эшитинг», деди. У зот ҳожатини айтиб бўлгунча бирга турдилар ва сўнг бориб намозни ўқидилар» (Имом Бухорий ривояти).

АВФНИНГ БУЮК НАМУНАСИ МАККА ФАТҲИ КУНИ



Расули акрам амакилари ва эмиқдошлари, Ислом душманларига қарши жанглarda мислсиз шижоат кўрсатган амир Ҳамза Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам) томонидан «Асадуллоҳ» (Аллоҳнинг йўлбарси) дея улуғланган буюк саркарда эди. Ислом ва Расулуллоҳнинг ашаддий душманлари Абу Суфён ҳамда унинг хотини Ҳинд катта пул эвазига ёллаган ҳабаший қул Ваҳший у зотни Уҳуд жангида шаҳид этди. Бу ҳам кўнглига таскин бермаган Ҳинд саркардани жигарини суғуриб олиб, чайнади.

Макка фатҳ этилган кун мушриклардан интиқом олишнинг энг қулай фурсати бўлди. Муслмонларга неча йиллаб чексиз алам, азоб-уқубат етказган, қийноқларга солган мушрикларни батамом йўқ қилиш имконияти туғилган эди. Аммо кечирувчи, афв этувчи Аллоҳнинг сўнгги пайғамбари бундай йўл тутмадилар. Барча маккаликларга умумий афв эълон қилдилар. Улар орасида ашаддий душманлари Абу Суфён ибн Ҳарб ва хотини Ҳинд, амакиларининг қотили Ваҳший ҳам бор эди. Ваҳшийни кечирган бўлсалар-да, «Кўзимга кўринма!» деб жароҳатли қалбларга таскин беришга урингандилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Макка фатҳи куни афв кўламини жуда кенг олган эдилар. Маккаликлардан фақат ажали етган кишиларгина ўлдирилди. Расули акрам мағлуб шаҳарга кириб шундай амр қилдилар: “Абу Суфён уйига кирганлар омондадир. Эшигини қулфлаганлар омондадир. Каъбага кирганлар омондадир”. Аскарларига шундай фармон қилдилар: “Маккага кирар экансиз, сизга

ҳужум қилганлар ва қарши чиққанлардан ўзгаларга қурол ишлатманг! Маккаликларнинг молига тегманг! Маккада ножўя ҳаракат қилишдан сақланинг!”

Бу Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бошчилигидаги муслмон уммати бошига не-не кўргиликларни, азобларни солган, у зот ва бошқа муслмонлар киндик қони тўкилган, юртларидан ҳайдаган, барча мол-мулк, уй-жойларини тортиб олган, шунда ҳам тинчимай улар устига бир неча бор қонли юришлар қилган, ҳозирда эса Ислом қўшинлар қаршисида қўрқувдан дир-дир титраётган маккалик мушрикларга кўрсатилаётган буюк бир афв ва кечирим эди.

ЗОЛИМ АВФ ЭТИЛДИ

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) йўлда Абу Суфён ибн Хорисни учратиб қолдилар. Ундан юзларини ўгириб олдилар, чунки бу зolim кимсадан кўп азият чеккан эдилар. У Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам)ни доимо ҳақорат қилар эди. Расулуллоҳдан илтифот кўрмагач, ҳазрати Алига ёрилди. Ҳазрати Али Набийга (соллаллоҳу алайҳи васаллам) яна бир бор мурожаат қилиши тавсия этдилар: «Юсуфнинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) биродарлари каби «Аллоҳга қасамёд қиламизки, Аллоҳ сени биздан устун қилди, биз ҳақиқатда хато қилган эканмиз», дегин, Юсуф (алайҳиссалом) акаларини афв этганидек, Расулуллоҳ сени афв этсалар, ажаб эмас».

Абу Суфён ибн Хорис ҳазрати Али айтганиларини қилди. Бунга жавобан Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бундай дедилар: “Бугун зиммангизда ҳеч қандай айб ва масъулият йўқ. Аллоҳ сизни афв этсин. Аллоҳ марҳаматлиларнинг энг марҳаматлисидир”.

“АЛЛОҲ СЕНИ ҒОЛИБ ҚИЛМАЙДИ!”

Ҳайбар жангида Расулуллоҳга заҳар беришди. Салом ибн Машкамнинг хотини Зайнаб бинти Хорис Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га заҳар қўшиб ковурилган қўй гўштини тақдим қилди. Расули акрам қўйнинг қўл қисмини яхши кўришларини олдинроқ ўрганган аёл ўша жойига кўпроқ заҳар солди. Ҳазрати Расулуллоҳ гўшдан бўлиб олиб чайнаётганларида Аллоҳнинг амри билан гўшт тилга кириб: «Мен заҳарланганман», деди. Набий (алайҳиссалом) дарҳол оғизларидаги гўштни туфлаб ташладилар. Сўнг бу ёвуз макрнинг ташкилотчиларини тўплаб бундай савол қилдилар: “Саволимга тўғри жавоб берасизми?” “Ҳа, тўғри жавоб берамиз”. “Қўй гўштини

сизлар заҳарладингларми?” “Ҳа, биз заҳарладик”. “Нега бу ишни қилдингиз?” “Агар ёлғончи бўлсанг, сендан қутулар эдик. Бордию агар пайғамбар бўлсанг, бу заҳар сенга таъсир қилмас эди”.

Заҳар солган аёлни Расулulloҳ ҳузурларига олиб келишди. У Набийни (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ўлдиришга қасд қилганини тан олди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам) унга: «Аллоҳ сени мендан ғолиб қилмайди», дедилар. Саҳобалар: «Бу хотинни ўлдирайликми?» деб сўрашганида, Расулulloҳ: «Йўқ!» дея рад этдилар. У аёлга на тегишди, на жазо берилди.

ТАШАККУР АЙТУВЧИЛАРНИНГ БИРИ

Мусулмонлар бошига кўп кулфат солган Нажддаги Бани Ҳаниф қабиласи раиси Сумома ибн Асални муслим суворийлари тутиб келиб, масжиднинг бир четига боғлаб қўйишди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) унинг ёнидан ўтар эканлар, сўрадилар: “Эй Сумома, аҳволинг қалай?” “Эй Мухаммад, агар мени ўлдирсанг, қасос олинадиганлардан бирини ўлдирган бўласан. Мабодо кечирсанг, ташаккур айтувчилардан бирини кечирган бўласан. Агар мол истасанг, хоҳлаганингча мол бераман”, деди Сумома.

Расулulloҳ индамай нари кетдилар. Такрор унинг ёнидан ўтар эканлар, аввалгидай ҳолини сўрадилар. У ҳам юқоридаги жавобни берди. Учинчи бор ўтаётиб ўша саволни берсалар, яна ўша жавобни қайтарди. Бу сафар Набий (алайҳиссалом): “Сумомани озод қилиб юборинглар!” деб буюрдилар. Сумома Пайғамбаримизга бундай деди: “Аллоҳга қасамки, ер юзида сендан ортиқ нафратланадиган кишим йўқ эди. Лекин ҳозир сен дунёда энг севимли кишим бўлдинг. Ер юзида сенинг динингдан кўра нафратланадиган диним йўқ эди. Лекин ҳозир менга энг мақбули сенинг дининг бўлди. Суворийларинг мени кўлга олишганида умрага кетаётган эдим...”

“ҚАВМИМНИ КЕЧИР, РОББИМ!”

Уҳуд жанги қизиганидан қизир, ўқ-тошлар ёмғири Расулulloҳнинг устларидан виз-виз ўтар эди. Саъд ибн Абу Ваққоснинг мушрик укаси Утба отган тош тегиб, Расули акрамнинг лаблари ёрилди, бир тишлари синди. Ибн Ҳишом отган ўқ эса ҳазрати Пайғамбаримизнинг муборак пешоналарини яралади. Қурайшнинг машҳурларидан Ибн Камиа Набийга (алайҳиссалом) икки бор қилич солди, унинг зарбидан у зот бир чуқурга ёноқлари билан йиқилдилар. Дарҳол етиб келган Али ва Талҳа ҳазрати Пайғамбарни жойларидан турғазиди. Бироқ у зотнинг зирҳларидаги икки ҳалқа юзларига ботиб, ёноқларини ёрган эди. Аммо жанг майдонидаги ҳайратланарли манзара шу эдики, душман ҳар ўқ узиб зарба берганда, Расули акрам: “Эй Раббим, қавмимни кечир! Улар жоҳилликдан нима қилаётганларини билишмаяпти. Уларни ҳидоятга бошла!” дея ёлбориб дуо қилар эдилар.

“ФАҚАТ СЕНГА АРЗ ЭТАМАН”

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) тутинган ўғиллари Зайд билан бутпараст мушрикларни Аллоҳнинг динига даъват қилиш, шаҳарда Ислом динини ёйиш учун Тоифга бордилар. У зотнинг мақсадлари тоифликларни Исломга чорлаб, бўлажак азобдан қутқариш эди. Аммо тоифликлардан ҳеч ким мусулмонликни қабул этмади. Устига-устак уларнинг Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи васаллам) қилмаган ёмонликлари қолмади...

Аввалига улар Расулulloҳни масҳара қилишди, сўнг ҳақоратлашга ўтишди. У зотни кўчалардан суфраб юришди, ниҳоят Тоифдан чиқиб кетишга мажбур қилишди. Ҳатто анча жойгача таъқиб этиб, тошбўрон қилишгача боришди. Сарвари оламнинг оёқ кийимлари қонга тўлди. Ўнг-сўлдан отилаётган тошлардан Зайд ҳам яраланди. Пайғамбаримизни тошлардан тўсмоқчи бўлган Зайднинг бадани қонталаш бўлиб кетган эди. Шунда ҳазрати Расулulloҳ кўзларида ёш билан Аллоҳга бундай ёлвордилар: “Эй Роббим, қувватимизнинг заифлигини, чорасиз қолганимни, одамлар орасида хор бўлганимни фақат Сенгагина арз этаман. Эй раҳмиларнинг энг раҳмиси, ҳамма заиф кўриб, зулмдан эзилган мазлум-бечораларнинг Робби – Сенсан! Ахлоқсиз, юзсиз бир душман қўлига мени бермайдиган Сенсан, акрабо, дўстдан-да менга марҳаматлисан, Аллоҳим!



ШАМОИЛИ МУҲАММАДИЙЯ

Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларнинг ичида юзи энг гўзали, хулқи энг гўзали, роса новча ҳам, пакана ҳам эмас эдилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).


«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўрта бўйли, елкалари кенг, сочлари кўп – қулоқлари юмшоғига тушиб турадиган киши эдилар. У зотни қизил рангли кийимда кўрдим. У зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан гўзалроқ ҳеч нарсани асло кўрмаганман» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам оқ-қизғиш рангли эдилар. Терлари маржондек эди. Тебраниб юрар эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кафтларидан кўра юмшоқроқ нарсани – дебожни ҳам, ипакни ҳам ва бошқа нарсани ҳам ушлаган эмасман. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳидларидан кўра хушбўйроқ нарсани – анбарни ҳам, мушкни ҳам ва бошқа нарсани ҳам ҳидлаган эмасман» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам роса новча ҳам эмас, пакана ҳам эмас, ўта оппоқ ҳам эмас, ўта буғдой ранг ҳам эмас, (сочлари) ўта жингалак ҳам эмас, ўта юмшоқ ҳам эмас эдилар. Аллоҳ у зотни қирқ ёшларида юборди. Шунда Маккада ўн йил, Мадинада ўн йил (турдилар). Аллоҳ у зотни вафот қилдирганида соч ва соқолларида йигирмата ҳам оқ тола йўқ эди» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти). Изоҳ: “Маккада ўн йил” дейилгани даъватни ошкора олиб борганларидан ҳисобланганини англатади.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўрта бўйли – новча ҳам эмас, пакана ҳам эмас, гўзал жисми, сочлари жингалак ҳам, юмшоқ ҳам эмас, буғдойранг эдилар. Қачон юрсалар, тебраниб юрар эдилар» (Абу Довуд ва Термизий ривояти).

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам новча ҳам эмас, пакана ҳам эмас, қўл-оёқлари йўғон, бошлари катта, аъзолари катта, кўкрак жунлари узун эдилар. Юрганларида салобат билан, худ-



ди баландликдан тушаётгандек бўлиб юрар эдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан олдин ҳам, кейин ҳам у кишига ўхшадини кўрмадим» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошларининг олд қисми ва соқоллари мошгуруч эди. Мойлаган пайтларида билинмай қолар эди. Бошлари тўзиб турганда билинар эди. У зотнинг соқоллари қалин эди». Бир киши: «Юзлари қилич мисоли эдими?» деди. «Йўқ, кўёш ва ой мисоли думалоқ эди. Кураклари олдида кабутар тухуми-

дек мухрни кўрдим. Жисмларига ўхшарди», деди у» (Имом Муслим ривояти).

Саъид Жаририйдан, Абу Туфайл розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламни кўрганман», деди. Унга: «У зотни кўрганингда қандоқ эдилар?» дедим. «Хушрўй, оқ, худди пастликка тушаётганга ўхшаб юрар эдилар», деди». (Имом Муслим ва Абу Довуд ривояти).

Жобир ибн Самура розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг оғизлари кенг, кўзлари кенг ва товларининг гўшти оз эди» (Имом Муслим ривояти).

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг сочлари қулоқларининг ярмига тушиб турарди» (Имом Муслим ривояти).

Оиша розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам гапни сизларга ўхшаб шошилиб гапирмас эдилар, балки у зот бўлиб-бўлиб гапирар эдилар. Олдидарида ўтирган одам ёдлаб олар эди» (Имом Бухорий, Муслим ва Термизий ривояти).

Абдуллоҳ ибн Ҳорис ибн Жазъи розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан кўра кўпроқ табассум қиладиган бирор кишини кўрмадим» (Имом Термизий ривояти).

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг кулгилари фақат табассумдан иборат эди» (Имом Бухорий, Муслим ва Термизий ривояти).

Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам тушунарли бўлиши учун сўзни уч марта такрорлар эдилар» (Термизий ва Ҳоким ривояти).

Оиша розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам гапни шундоқ гапирар эдиларки, агар сановчи санаса, санаб улгурарди» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Муслмон бўлганимдан кейин Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам мендан ҳеч қачон ўзларини олиб қочмадилар ва қачон кўрсалар, табассум қилар эдилар» (Имом Бухорий, Муслим ва Термизий ривоят қилишган).

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам хушбўй нарсани қайтармас эдилар» (Имом Бухорий ривоят қилган).

Абу Саъид Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам қачон масжидда ўтирсалар, тиззаларини кучоқлаб ўтирар эдилар» (Имом Абу Довуд ривоят қилган).

Оиша розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Кўринишда, ҳайъатда, ўзини тутишда, ўтиришда ва туришда Расулуллоҳга Фотима бинти Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламчалик ўхшаш одамни

кўрмадим. Агар у Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига кирса, у зот ўринларидан туриб, ўпиб кутиб олар ва ўз ўринларига ўтқазар эдилар. Набий соллаллоху алайҳи васаллам унинг олдида кириб қолсалар, у туриб у зотни ўпиб кутиб олар ва ўз ўрнига ўтқазар эди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам бемор бўлганларида Фотима кирди ва у зотнинг устларига энгашиб ўпди. Сўнг бошини кўтариб йиғлади. Кейин яна у зотнинг устларига энгашиди ва бошини кўтариб кулди. Мен ўзимча, агар у аёллардан бўлганида, албатта, бу аёлларимизнинг энг ақллиси деб гумон қилар эдим....» дедим» (Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган).

Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Сартарош Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг сочларини олаётганини кўрдим. Саҳобалари у зотни ўраб олишган эди. Бирор соч донаси тушса, улар бирор кишининг қўлига тушишини хоҳлашар эди» (Имом Муслим ривояти).

Мўминлар онаси Оиша бинти Абу Бакрдан (розияллоху анҳо) ривоят қилинади: "Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ёстиқлари теридан бўлиб, ичига хурмо кипиғи солинган эди" (Имом Аҳмад, Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ривояти).

Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинади: "Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг сурмадонлари бор эди, кечаси уйқуга ётиш олдида икки кўзларига уч мартадан сурма тортар эдилар" (Имом Термизий, Ибн Можа ривояти).

Мўминлар онаси ҳазрати Оишадан (розияллоху анҳо) ривоят қилинади: "Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ҳолвани ва асални яхши кўрар эдилар" (Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа, Насоий ривояти).

Али ибн Абу Толибдан (розияллоху анҳо) ривоят қилинади: "Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам отларининг номи Муртажиз эди, туялариники Кисво, хачирлариники Дулдул ва Уфайр, зирҳлариники Зотул-фузул, қиличлариники Зулфиқор эди" (Байҳақий, Ҳоким ривояти).

Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади: "Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам узуклари кумушдан, кўзи ҳам кумуш эди" (Имом Бухорий ривояти).

Мўминлар онаси ҳазрати Оишадан (розияллоху анҳо) ривоят қилинади: "Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам кўйлақларини ямар, оёқ кийимларини тикар, эр киши уйда қиладиган барча ишларни бажарар эдилар" (Аҳмад ривояти).

Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади: "Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам хина гулини ёқтирар эдилар" (Имом Аҳмад ривояти).

ҲАЁТЛАРИДАН ИБРАТ ОЛИНГ!

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яхшилик қилишда одамларнинг энг саҳийи эдилар. У зотнинг энг саҳий бўлганлари эса Рамазонда, Жаброил мулоқотларига келганда бўлар эди. У Рамазонда ҳар кеча у зотнинг мулоқотларига келар ва Қуръондан дарс қилар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яхшиликка эсган шамолдан ҳам саҳийроқ эдилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бирор нарса сўралганда, ҳеч қачон «йўқ» демаганлар» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Амрадан ривоят қилинади: «Оиша розияллоҳу анҳога: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйда нима қилар эдилар?» дейилди. «Одамларнинг бири эдилар. Кийимларини ямар эдилар, қўйларини соғар эдилар, ўзларига хизмат қилар эдилар», деди» (Аҳмад, Бухорий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган).

Асвад ибн Язийд Наҳабий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Оиша розияллоҳу анҳодан: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уйда нима қилар эдилар?» деб сўрадим. «Аҳллариининг хизматини қилар эдилар. Қачон намоз вақти кирса, намозга чиқар эдилар», деди» (Имом Бухорий ривояти).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор нарсани эрталикка сақламас эдилар» (Термизий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ва аҳллари бир неча кеча қаторасига оч ётишар эди, кечки таом топа олишмасди. Кўпинча уларнинг таомлари арпа нон бўларди» (Имом Термизий ва Ибн Можа ривоят қилишган).

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Оли Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ойни ўтказишар, аммо олов ёқишмасди. Емишимиз хурмо ва сув бўларди, холос» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Оли Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам то у зот қабз қилингунларича икки кун кетма-кет арпа нонга тўйишмади» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ширинлик ва



асални яхши кўрар эдилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ширин ва муздай ичимликларни яхши кўрар эдилар» (Термизий ва Ҳоким ривоят қилишган).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «У Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга арпа нон ва таъми ўзгариб кетган хўруш олиб борди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинада совутларини бир яҳудийга гаровга бериб, ундан аҳллари учун арпа олган эдилар. У кишининг: «Оли Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурида бир соъ буғдой ва бир соъ дон бўлмаган», деганларини эшитдим. У зотнинг ҳузурларида тўққиз аёл бор эди» (Имом Бухорий ривояти).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Бир одам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан қарзини сўраб келиб, қўполлик қилди. Саҳобалар унинг таъзирини бермоқчи бўлишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уни тек қўйинглар, ҳақ эгасининг гапи бўлади. Унга (туяси) ёшидагини беринглар», дедилар. Улар: «Бизда униқидан яхшироқ ёшдагиси бор, бундан бошқасини топа олмаяпмиз», дейишди. «Ўшани беринглар. Албатта, сизнинг яхшиларингиз қарзини гўзал адо этувчиларингиздир», дедилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий алайҳиссалом: «Осонлаштиринглар, қийинлаштирманглар, хушxabарлар беринглар, нафрат қилдирманглар», дедилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки ишдан бирини ихтиёр қиладиган бўлсалару, улардан бири бошқасидан енгилроқ бўлса, агар гуноҳ бўлмаса, албатта, енгилни ихтиёр қилар эдилар.

Агар гуноҳ бўлса, ундан энг узоқдаги одам бўлар эдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари учун интиқом олган эмаслар. Фақат Аллоҳ азза ва жалланинг ҳурумоти поймол қилинсагина, (интиқом) олардилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Уч кишилиқ гуруҳ Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжалари уйига Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ибодатлари ҳақида сўраб келди. Шунда уларга хабар берилганда, худди уни (ибодатни) оз санагандай бўлишди. Шунда улар: «Биз қаёқдаю, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қаёқдалар, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўтгану қолган гуноҳлари мағфират қилинган», дейишди. Улардан бири: «Мен тунларни намоз ўқиш билан ўтказаман», деди. Бошқаси эса: «Мен доимо рўза тутаман, оғзим очиқ юрмайман», деди. Яна бошқа бири: «Мен аёллардан четда бўламан, абадулабад уйланмайман», деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг олдиларига келиб: «Бундоқ, бундоқ, деганлар сизми?! Аммо, Аллоҳга қасамки, мен Аллоҳдан энг қўрқувчироғингизман ва Унга энг тақводорингизман. Лекин рўза ҳам тутаман, оғзим очиқ ҳам бўлади. Намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам. Аёлларга уйланаман ҳам. Бас, ким менинг суннатимдан юз ўгирса, мендан эмас», дедилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бошқа бирор шахс уларга (саҳобаларга) севимлироқ эмас эди. Улар у зотни кўришса, ўринларидан туришмасди, чунки, у зот буни ёқтирмасликларини билишарди» (Имом Термизий ривояти).

Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадя қабул қилар ва унга яраша мукофот берар эдилар» (Имом Бухорий ривоят қилган).

Амр ибн Ҳорис розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этган вақтларида дирҳам ҳам, диноҳ ҳам, кул ҳам, чўри ҳам, қўй ҳам қолдирмадилар. Фақат оқ хачирлари, қурол-аслаҳалари ва садақа қилган ерлари қолди» (Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилишган).

Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам маййит ҳолда ётган Усмон ибн Мазъунни ўпдилар. У зот йиғлар эдилар ёки икки кўзлари ёш тўкар эди» (Имом Термизий ва Ҳоким ривоят қилишган).

Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга бир нарсаси келтирилса, «Буни фалон аёлга олиб бориб беринглар, у Хадичанинг дугонаси эди, буни фалон аёлга олиб бориб беринглар, у Хадичани яхши кўрар эди», дер эдилар» (Имом Бухорий ривояти).

Жарир ибн Абдуллоҳдан (розияллоҳу анҳу) ривоят

қилинади: «Мен муслмон бўлганимдан кейин қачон Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрган бўлсам, албатта юзимга табассум билан қараганлар» (Имом Бухорий ривояти).

Мўминлар онаси ҳазрати Оишадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам оғизларини катта очиб, ичи кўринадиган ҳолда кулганларини кўрмаганман. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам доимо табассум қилар эдилар. Бир булут ёки шамол кўтарилганини кўрсалар, юзларидан ташвишланаётганлари билинар эди. «Эй Аллоҳнинг Расули, одамлар булут кўришса, ёмғир ёғди, деб хурсанд бўлишади, сиз эса булут кўрсангиз, юзингизда ташвиш аломати пайдо бўлади», дедим. «Эй Оиша, унда азоб йўқлигига ким менга кафолат бера олади? Бир қавм шамол билан азобланган, бир қавм азоб кўрганда келаётган бу булут бизга ёмғир ёғдиради, деган», дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига улов сўраб келди. Шунда у зот: «Бўпти, сени туянинг боласига миндириб қўямиз», дедилар. «Туянинг боласини нима қиламан?» деди у. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кулиб: «Ахир туя ҳам туянинг боласи бўладими?» дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

Жобир ибн Абдуллоҳдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Пайғамбардан (соллаллоҳу алайҳи васаллам) нима нарсаси сўралмасин, «йўқ» демаганлар» (Имом Бухорий ривояти).

Асмо бинти Абу Бакрдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: «Сен санамагин, Аллоҳ сенга санамасин, жойлаб қўйма, сенга ҳам жойлаб қўйилмасин», деганлар» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Рофеъ ибн Хадиддан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Мадинага келганларида шаҳар аҳли хурмоларни (серҳосил бўлиши учун) чанглатишар эди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Нима қияпсизлар?» дедилар. Улар: «Биз (одатда) шундай қиламиз», дейишди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Балки бундай қилмасаларингиз ҳам яхши бўлар», дедилар. Улар (чанглатишни) тарк қилишди. Шунда (хурмо мевалари) камҳосил бўлди. Рофеъ айтади: «Улар буни Расулulloҳга айтишди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Албатта мен ҳам инсонман, агар сизларга дин ишларингиздан бир нарсани буюрсам, уни олинглар (қилинглар). Ва агар сизларга ўз фикримдан келиб чиқиб, (динга боғлиқ бўлмаган) бир ишни буюрсам, ўзларинг биласизлар, мен ҳам бир инсонман», дедилар. (Имом Муслим ривояти).

Мўминлар онаси ҳазрати Оишадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: "Расулulloҳ соллаллоҳу



алайҳи васаллам Аллоҳ таолони ҳар он, ҳар дам, ҳар лаҳзада зикр қилар эдилар" (Имом Муслим, Абу Довуд, Термизий ривояти).

Мўминлар онаси ҳазрати Оишадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: "Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳажжуд намозини асло тарк этмас, бемор ё беҳол бўлсалар ўтирган ҳолларида ўқир эдилар" (Абу Довуд ривояти).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: "Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирон иш ёки нарсани эртага қолдирмас эдилар" (Термизий ривояти).

Мўминлар онаси Умму Саламадан ривоят қилинади: "Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафарга пайшанба кунини чиқишни яхши кўрар эдилар" (Табароний ривояти).

Абу Саъид Худрийдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: "Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўп зикр қилар, фойдасиз ишлардан сақланар, намозни узун ўқир, хутбани қисқа қилар ҳамда бева-лар, мискинлар, қул-хизматчилар билан бирга юрар, уларнинг эҳтиёжларини таъминлар, бундан асло тортинмас, орланмас эдилар" (Насоий, Абу Довуд ривояти).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: "Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор кишидан хафа бўлсалар: "Пешонаси тупроққа

белангур (яъни сажда қилгур), унга нима бўляпти?" дер эдилар" (Байҳақий ривояти).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: "Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам) хушбўйлик таклиф қилинса, асло рад қилмас эдилар" (Аҳмад, Абу Довуд, Термизий, Бухорий, Насоий ривояти).

Абу Саълабадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: "Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафардан қайтганларида олдин масжидга кирар, икки ракат намоз ўқир, сўнг қизлари Фотимага уч-рар, шундан кейингина уйларига кетар эдилар" (Табароний ривояти).

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: "Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аксирмоқчи бўлсалар, қўлларини оғизларига тутиб ёки рўмолчаларини тутиш билан овозларини паст-латар эдилар" (Имом Абу Довуд, Термизий, Ҳоким ривояти).

Имрон ибн Ҳусайндан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: "Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жанозада ҳозир бўлганларида қайғулари ортар, ниҳоятда кам гапирар, фикр-мулоҳазага фарқ бўлар эдилар" (Ҳоким ривояти).

Абу Бакрдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: "Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларини хурсанд қилган бирор иш содир бўлса, Аллоҳга шукрона ўлароқ сажда қилар эдилар" (Имом Абу Довуд, Ибн Можа ривояти).

Ҳафсадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: "Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ётиш учун узанганларида ўнг қўлларини ўнг ёноқлари остига қўяр эдилар" (Табароний ривояти).

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: "Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларини маҳзун қиладиган бирор ҳолат ёки воқеа содир бўлса осмонга қарар ва "Субҳаналлоҳил-азийм" дер эдилар, дуоларида энг кўп такрорлаганлари эса "Йа Ҳаййу йа Қоййум" эди" (Имом Термизий ривояти).

Ибн Масъуддан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: "Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳга дуо қилсалар тилақларини уч марта қайтарар эдилар, истиффорни ҳам уч бор қайтарар эдилар" (Аҳмад, Абу Довуд ривояти).

Оишадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: "Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чиройли нарсалардан хурсанд бўлар, шумланишни эса ёқтирмас эдилар" (Насоий ривоят қилган).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: "Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам борган ерлари, ўтирган мажлисларидан қўзғоладиган бўлсалар, икки ракат намоз ўқир эдилар" (Ҳоким ривояти).

НАБИЙ

соллаллоҳу алайҳи васаллам

ВА БОЛАЛАР


Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳасан ибн Алини ўқидилар. У зотнинг ҳузурларида Акраъ ибн Ҳобис Тамимий ўтирган эди. Шунда Акраъ: «Менинг ўнта болам бор. Улардан бирортасини ҳам ўпмаганман», деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга бир қарадилар ва: «Ким раҳм қилмаса, унга раҳм қилинмайди», дедилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилишган).

Шаддод ибн Ҳод розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шом ва ҳуфтон намозларидан бирида олдимизга чиқдилар. У зот Ҳасан ёки Ҳусайнни кўтариб олган эдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдинга ўтдилар ва уни ерга қўйдилар. Сўнг намозга такбир айтдилар. Намоздаги саждалардан бирида саждани чўзиб юбордилар. Мен бошимни кўтардим. Қарасам, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сажда қилган ҳолларида, бола эса, у зотнинг орқаларига чиқиб олибди. Саждамга қайтдим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни тугатганларида одамлар: «Эй Расулаллоҳ! Сиз намоздаги саждалардан бирини чўзиб юбордингиз, ҳатто биз бирор иш бўлдимиз ёки сизга ваҳий қилинганми, деб ўйладик», дейишди. «Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Лекин ўғлим мени улов қилиб олди. То у ўзи тушмагунча шошилтиришни ёқтирмадим», дедилар» (Насай ва Ҳоким ривоят қилишган).

Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга хутба қилаётган эдилар. Бирдан эгниларига қизил кўйлак кийган Ҳасан ва Ҳусайн алайҳимассалом қоқилиб-йиқилиб кела бошлашди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам минбардан тушиб, икковини кўтариб олиб, олдиларга қўйдилар ва: «Аллоҳ тўғри айтади: «Албатта, молларингиз ва болаларингиз фитнадир». Бу икки гўдакка назар солсам, қоқилиб-йиқилиб келишяпти, сабр қилолмай гапимни бўлиб, икковини кўтариб олдим», дедилар» (Имом Термизий, Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган).

Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни ва Ҳасан ибн Алини олиб икки сонлари устига ўтқазар ва: «Аллоҳим, иккисини яхши кўраман. Албатта, иккисини яхши кўраман», дер эдилар» (Имом Бухорий ривояти).

Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қизлари Зайнаб билан кўёвлари Абу Осснинг қизи Умомани елкаларида кўтариб намоз ўқир эдилар. Қачон турсалар, уни



кўтарар ва сажда қилсалар, қўяр эдилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилишган).

Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида қўғирчоқ ўйнар эдим. Дугоналарим келишар, аммо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан тортиниб, тўхтаб қолишар эди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни мен томон йўллаб қўяр эдилар. Сўнг улар мен билан ўйнашар эди» (Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилишган).

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Табук ёки Хайбар урушидан қайтиб келдилар. Унинг тоқчасида парда бор эди. Шамол турди ва парданинг бир тарафини кўтариб, Оишанинг қўғирчоқларини очиб юборди. Шунда у зот: «Бу нима, эй Оиша?» дедилар. «Қўғирчоқларим», дедим. Уларнинг орасида куракдан қилинган икки қанотли отни кўрдилар ва: «Уларнинг орасида кўраётганим мана бу нарса нима?» дедилар. «От», дедим. «Унинг устидаги мана бу нарса нима?» дедилар. «Иккита қаноти», дедим. «Отнинг иккита қаноти бўладими?» дедилар. «Сулаймоннинг қанотли отлари бўлгани ҳақида эшитмаганмисиз?» деди. Шунда у зот кулдилар ва мен ҳатто озик тишларини кўрдим» (Имом Абу Довуд ривоят қилган).

Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳу айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан пешин на-

мозини ўқидим. Сўнгра у зот ўз аҳлларига чиқдилар. Мен ҳам бирга чиқдим. У зотни болакайлар қаршилаб чиқишди. Шунда у зот бирма-бир уларнинг юзларини силай бошладилар. Менинг ҳам юзимни силадилар. Қўлларида совуқликни ва атторнинг халтасидан чиққан қўлда бўладиган хушбўйликни топдим» (Имом Муслим ривояти).

Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васалламга ўн йил хизмат қилдим. Менга сира «уф» демадилар. Бир ишни қилмаган бўлсам, «Нега қилмадинг?» демадилар. Бир ишни қилган бўлсам, «Нега қилдинг?» демадилар» (Имом Муслим ривоят қилган).

Абдуллох ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Баъзи урушларда қатл қилинган аёл топилди. Шунда Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам аёлларни ва болаларни қатл қилишдан қайтардилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилишган).

Саҳл ибн Саъд розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Мен ва етимнинг кафили жаннатда мана бундаймиз», дедилар ҳамда кўрсаткич ва ўрта бармоқлари билан ишора қилиб, орасини очиб кўрсатдилар» (Имом Бухорий ривояти).

Абу Ҳурайрадан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Шу икки қулогим эшитган, шу икки кўзим кўрганки, Расулulloх (соллаллоху алайҳи васаллам) икки қўллари билан Ҳасан ёки Ҳусайн солаватуллоҳи алайҳимонинг қўлларида маҳкам тутдилар. Боланинг оёғи Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам оёқлари устида турган эди. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: «Қани, чиқ, чиқ», дедилар. Бола оёқларини Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам тиззаларига қўйиб кўтарилди ва кўкракларигача чиқди. Сўнг Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: «Оғзингни оч», дедилар ва уни ўпдилар. Кейин: «Аллоҳим, мен буни яхши кўраман, Сен ҳам уни яхши кўргин», дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

Жобир ибн Абдуллохдан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: «Кимнинг учта қизи бўлсаю, уларни жойласа, кифоясини қилса, раҳм-шафқат кўрсатса, ўша одамга жаннат албатта вожиб бўлади», дедилар. Шунда қавмдан бир одам «Эй Аллоҳнинг Расули, агар иккита бўлса-чи?» деди. «Иккита бўлса ҳам», дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

Абдуллох ибн Умардан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Аллох уларни оталарига ва болаларига яхшилиқ қилганлари учунгина «аброрлар» (яхшилар) деб номлаган. Худди ота-онангнинг сенда ҳаққи бўлганидек, болангнинг ҳам сенда ҳаққи бор» (Имом Бухорий ривояти).

Абу Мусодан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Ўғлим туғилганида уни Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб бордим. У зот унга Иброҳим деб исм қўйдилар, хурмо билан танглайини кўтардилар ва унга барака тилаб дуо қилиб, менга тутқаздилар. У болаларимнинг каттаси эди» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Анас ибн Моликдан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «У киши болалар олдидан ўтди ҳамда уларга салом берди ва «Набий соллаллоху алайҳи васаллам



буларга шундай қилардилар», деди» (Имом Бухорий ривояти).

Юсуф ибн Абдуллох ибн Саломдан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи ва саллам мени Юсуф деб номладилар, кучоқларига ўтқаздилар ва бошимни силадилар» (Имом Бухорий ривояти).

Абдуллох ибн Аббосдан (розияллоху анху) ривоят қилинади. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: «Қайси мусулмон бир етимни тарбиялаб, ўзи егани-ичганига шерик қилса, агар кечирилмас гуноҳи бўлмаса, Аллох таоло уни жаннатга киритади», деганлар (Имом Термизий ривояти).

Абу Ҳурайрадан (розияллоху анху) ривоят қилинади. Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам): «Мусулмонлардан қай бир кишининг учта фарзанди вафот этса, дўзахга тушмайди. Фақат қасамнинг ижроси учунгина тушириб-чиқарилади», деганлар (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Анас ибн Моликдан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам биз (болалар) билан аралашиб юрар эдилар. Ҳатто бир куни укамга: «Эй Абу Умайр, нима қилди нуғойр (чумчүк)?» деганлар» (Имом Бухорий ривояти).

Анас ибн Моликдан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Оиша розияллоху анҳонинг ҳузурига бир аёл келди. Оиша унга учта хурмо берди. У ҳар бола-сига биттадан хурмо улашди. Ўзига бир дона хурмони олиб қолди. Икки бола хурмосини еб бўлиб, оналарига қарашди. Она қолган хурмони иккига бўлиб, ҳар бир боласига яримтадан хурмо берди. Шунда Набий соллаллоху алайҳи васаллам келиб қолдилар. Оиша бўлган ишни айтди. У зот: «Бунинг нимаси сени ажаблантирди? Икки боласига раҳм қилгани учун ўша аёлга Аллох ҳам раҳм қилди», дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

БАҒРИКЕНГЛИК ШУНЧАЛИК БЎЛУР!...

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида Абдуллоҳ исми бир киши бор эди. Унинг лақаби «эшак» эди. У Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни кулдириб юрар эди. У шароб ичганида у зот дарралатган эдилар. Бир куни уни яна олиб келишди. У зот амр қилдилар. Унга яна дарра урилди. Сўнг одамлардан баъзисилари: «Аллоҳим, уни лаънатлагин! У кўп марта келтирилди-я!» деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уни лаънатламанглар! Аллоҳга қасамки, мен уни фақат Аллоҳга ва Унинг Расулига муҳаббат қиладиган деб биламан», дедилар» (Имом Бухорий ривоят қилган).

* * *

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига яҳудийларнинг бир гурӯҳи келиб: «Ассааму алайка» (Сенга ўлим бўлсин), дейишди. Оиша айтади: «Мен бунга сезиб қолдим ва «Сизларга ҳам саам (ўлим) бўлсин! Сизларни Аллоҳ лаънатласин!» дедим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шошма, эй Оиша! Аллоҳ барча ишларда мулоимликни ёқтиради», дедилар. «Эй Расулаллоҳ, уларнинг нима деганларини эшитмадингизми?» дедим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен ҳам «ва сизларга ҳам» дедим», дедилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилишган).

* * *

Мужоҳиддан ривоят қилинади: «Абдуллоҳ ибн Амрнинг аҳлида қўйи сўйилди. У келиб: «Яҳудий қўшнимизга ҳам ҳадя қилдингизми? Яҳудий қўшнимизга ҳам ҳадя қилдингизми? Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Жаброил менга қўшнининг ҳаққи ҳақида шу қадар кўп тавсия қилдики, ҳатто уни мерос оладиган қилса керак, деб ўйлаб қолдим», деганларини эшитганман», деди» (Имом Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган).

* * *

Абдурраҳмон ибн Абу Лайлодан ривоят қилинади: «Саҳл ибн Хунайф ва Қайс ибн Саъд розияллоҳу анҳумо Қодисияда ўтиришган эди. Икковларининг олдида бир жанозани олиб ўтишди. Шунда улар ўринларидан туришди. Уларга: «У ерлик аҳолидан», дейилди (Яъни, аҳли зиммадан). Шунда иккиси айтди: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларидан жаноза ўтганда ўринларидан турдилар. Шунда у зотга: «Бу – яҳудийнинг жанозаси», дейилди. Шунда у зот: «У жон эмасми?!» дедилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилишган).

* * *

Сафвон ибн Сулаймдан, у Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларининг бир неча ўғилларидан, улар оталаридан ривоят қилишади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бир ахдлашган (ғайридин) кишига зулм қилса ёки унинг ҳаққини поймол этса ёхуд уни тоқати етмайдиган нарсага

мажбур қилса ёки ўз розилигисиз ундан бирор нарса олса, Қиёмат куни мен ўша одамнинг хусуматчиси бўламан», дедилар» (Имом Абу Довуд ривоят қилган).

* * *

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Нажд тарафдаги ғазотда бўлдик. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга изо дарахти кўп бўлган водийда етиб олдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир дарахт тагига тушиб, унинг шохларидан бирига қиличларини осиб қўйдилар. Одамлар водийга тарқалишди. Дарахтлар остида сояланишди. Кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай дедилар: «Ухлаб ётганимда манави қиличимни олибди. Уйғонсам, бошимда қилич яланғочлаб турибди ва менга: «Сени мендан ким қутқаради?» деди. «Аллоҳ», дедим. Кейин иккинчи марта яна: «Сени мендан ким қутқаради?» деди. «Аллоҳ», – дедим». Шундай дегач, қилични қинига солиб туриб: «Ана у, ўтирибди», дедилар. Сўнгра Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга қайрилиб ҳам қараб қўймадилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилишган).

* * *

Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Яҳудий бўладими, насроний бўладими, мажусий бўладими, салом берса, алик олинглар, чунки Аллоҳ «Қачон сизга саломлашиш билан салом берилса, сиз ундан кўра яхшироқ алик олинг ёки худди ўзидек жавоб беринг», деган» (Имом Бухорий ривояти).

* * *

Пайғамбар алайҳиссалом Мадинага ҳижрат қилган пайтларида у ерда анчагина яҳудийлар бор эди. У зотнинг давлат ишларидаги биринчи амаллари улар билан ақидаларини ҳурматлаш асосига қурилган аҳднома тузиш бўлди. Аҳдномага кўра, Ислом давлати яҳудийларни ўз ҳимоясига олади ва улар ҳам ўз навбатида Мадинага ёмон қасд қилган кимсаларга қарши мусулмонлар билан бир куч бўладилар. Бу билан Расули ақрам исломий ҳазоранинг илк уруғларида диний эркинлик асосларини татбиқ қилганлар.

* * *

Ривоят қилинишича, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг аҳли китобдан қўшнилари бўлган. Улар билан яхши қўшничилик қилар, ҳадя бериб, улардан ҳам қабул қилардилар. Ҳабашистон насронийларининг вакиллари келганида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни масжидга тушириб, ўзлари зиёфатини берганлар ва хизмат қилганлар. У зот ўша куни бундай деганлар: «Булар асҳобимга икром кўрсатишган эди, мен ҳам уларни икром этишни яхши кўраман». Бир гал Нажрон насронийлари келганида у зот уларни масжидга жойладилар ва унда ибодатларини адо этишга ижозат бердилар.

НАЗМЛАРДА ПАЙҒАМБАР ВАСФИ

(соллаллоҳу алайҳи васаллам)

САЙЙИДУЛ-МУРСАЛИН

Сиза жон фидо, ё ҳаёт ан-набий,
Қилай ман гадо, ё ҳаёт ан-набий.

Отингиз — Муҳаммад, расули худо
Ки, сиз Мустафо, ё ҳаёт ан-набий.

Ки, хайрул-башар, саййид ал-мурсалин,
Рисолатпано, ё ҳаёт ан-набий.

Мани осийни еткурур равзага
Қачон ул Худо, ё ҳаёт ан-набий?

Тавоф айласам хонайи Каъбани,
Будур муддао, ё ҳаёт ан-набий.

Қолай «Жаннатул-Бақя» хокида ман
Ки, етса қазо, ё ҳаёт ан-набий.

Ҳама умматингиз умид айлашур
Ки, рўзи жазо, ё ҳаёт ан-набий.

Ҳазиний дуоси бўлурму қабул,
Бу фарқи гуно, ё ҳаёт ан-набий?!

ИНСОНЛАРНИНГ ЭНГ АФЗАЛИ

Ёмондир кундан кун ҳолим бағоят, ё Расулаллоҳ!
Тузалсин энди афъолим, иноят, ё Расулаллоҳ!

Оздирди бу осий нафсим, мени шайтонга ёр қилди,
Яшолмам бунча исёнда, бер мадад, ё Расулаллоҳ!

Ажаб, мумкинми қутилмоқ ҳавойи нафсу шайтондин,
Етишмаса агар сиздан ҳидоят, ё Расулаллоҳ!

Келса гар файзу эҳсонинг гуноҳкор кимсага бир он,
Бўлғай у икки дуняда саломат, ё Расулаллоҳ!

Амрларга бўйин эгдим, ҳаромни демадим ҳалол,
Ҳар гунаҳнинг сўнги бўлди надомат, ё Расулаллоҳ!

Эй инсу жиннинг Расули, инсонларнинг энг афзали,
Ихлосим ҳаққи-чун қил шафоат, ё Расулаллоҳ!



ТАСАДДУҚ, Ё РАСУЛУЛЛОҲ!

Назар сол осий умматга, тасаддуқ, ё Расулulloҳ,
Ҳамиша кори ғафлатга, тасаддуқ, ё Расулulloҳ,
Мани бошланг ҳидоятга, тасаддуқ, ё Расулulloҳ,
Ўшал маҳшарда жаннатга, тасаддуқ, ё Расулulloҳ,
Солинг дарёйи раҳматга, тасаддуқ, ё Расулulloҳ.

Йиғилса аввалу охир ўшал саҳройи маҳшарга,
Халойиқ эргашурлар барчаси ҳодию раҳбарга,
Тараҳхум қил ўшал соат бизнингдек осий, музтарга,
Борурмиз барча ташна сув тилаб соқийи кавсарга,
Берар аҳли саодатга, тасаддуқ, ё Расулulloҳ.

Худо қози бўлуб, тонгла гуноҳимни ҳисоб этгай,
«Ҳама бандам мани қошимға келсун!» деб хитоб этгай,
Муҳаммадга кимиким уммат эрматур, азоб этгай,
Ўшал кунни кишиким, ўйласа доим, савоб этгай,
Етар уммат шарофатга, тасаддуқ, ё Расулulloҳ.

Лаҳаддин бош кўтарганда ҳама «во ҳасрато» дерлар,
Қиёмат шиддатидинким ҳама вовайлато, дерлар,
Ҳама умматларинг йиғлаб яна ё Мустафо, дерлар,
Муҳаммад саждага бошин қўйиб, воуммат, дерлар,
Қолур уммат хижолатга, тасаддуқ, ё Расулulloҳ.


Тарозуға солур аъмол элини ул қиёматда,
Гуноҳидин савоби кўп эса, албатта роҳатда,
Биҳишт ичра кирар, хуру қусур бирлан фароғатда,
Ҳазиний осий уммат, сақлагил ҳифзу ҳимоятда,
Қилай жонимни ҳазратга тасаддуқ, ё Расулulloҳ.

ҲАЗИНИЙ.

ОЛАМЛАР САРВАРИ

Энг аввал “пайғамбар” сўзининг маъносини билиб олайлик. Пайғамбар – форсча сўз бўлиб, «хабар етказувчи» деган маънодадир. Араб тилида «расул, набий» деб аталади. Иймон шартларидан бири Аллоҳ таоланинг ҳамма пайғамбарларига истисносиз ишонишдир. Пайғамбарларнинг вазифаси иймон келтириб, тоат-ибодат қилган инсонларга жаннат башоратини қилиш, куфр ва исёнда бўлган инсонларни дўзах азобидан огоҳ этиш, инсонларга дунё ва дин ишларида улар мухтож бўлган нарсаларни баён этишдир. Пайғамбарларнинг барчаси Одам наслдан, гуноҳ, куфр, туғёндан асралган, покдир. Ақл ва ибодатда комилдирлар. Уларнинг барчаси бир динда – Ислом динидадир. Зеро, уларнинг барчаси ўз қавмларини фақат Аллоҳ таолога ибодат қилишга, Унинг улўхиятига, рубубиятига, исм ва сифатларига ширк келтирмасликка чақиришган. Пайғамбарларнинг аввали Одам алайҳиссалом, охирлари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар. Одам ва Муҳаммад алайҳимуссаломлар ораларидаги даврда ўтган пайғамбарларнинг адади ҳақида қатъий далил бўлмаганидан уларнинг умумий саноғи аниқ эмас. Шунинг учун улар ададини маълум бир сон билан чегаралаш жоиз бўлмайди. Қуръони каримда 25 пайғамбар номи зикр этилган: булар – Одам, Идрис, Нух, Худ, Солих, Иброҳим, Лут, Исмоил, Исҳоқ, Яҳқуб, Юсуф, Айюб, Зулқифл, Шуайб, Мусо, Ҳорун, Довуд, Сулаймон, Илёс, Алясаъ, Юнус, Закариё, Яҳё, Исо ва охириги пайғамбар Муҳаммад алайҳимуссаломлардир. Узайр, Лукмон, Зулқарнайн номлари ҳам Қуръонда келган, улардан баъзилари набий, баъзилари валийдир. Одам, Нух, Иброҳим, Мусо, Исо, Муҳаммад алайҳимуссалом шариат соҳиблари бўлишгани учун «Улул азм» пайғамбарлар дейилади. Пайғамбарлардан кимларга Жаброил алайҳиссалом ваҳий келтирган бўлса, улар «расул» дейилади. Жаброил алайҳиссалом ваҳий (алоҳида шариат) келтирмаган, ўзга воситалар орқали ваҳий келган пайғамбарлар «набий» дейилади. Расуллар фазилатда набийлардан юқоридир. Китоб келган расулларнинг фазилати китоб келмаган расулларнинг фазилатидан баланддир. Улул азм Расуллар барча расуллардан фазилатлидир. Улул азм Расулларнинг афзали Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар.

Пайғамбарларнинг саййиди ва охиригиси, сарвари коинот Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим ибн Абдуманоф (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) фил йилида, рабиъул-аввал ойининг 12-кечасида, Исо алайҳиссаломдан 571 йил кейин Маккада туғилдилар (бу милодий 571 йил 21 апрелга тўғри келади). Отала-



рининг исми Абдуллоҳ, оналарининг исми Омина бўлган. Қурайш қабиласидандирлар. Пайғамбаримизнинг насаблари қуйидагича: Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим ибн Абдуманоф ибн Қусай ибн Килоб ибн Мурра ибн Каъб ибн ибн Луъай ибн Ғолиб ибн Фихр ибн Малик ибн ан-Назр ибн Кинона ибн Ҳузайма ибн Мудрика ибн Иляс ибн Музар ибн Низар ибн Маҳдд ибн Аднандир (Бухорий).

Оталари Абдуллоҳ тижорат учун Шомга боради ва қайтишда Мадинада вафот этади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам етим ҳолда дунёга келадилар. Анъанага мувофиқ бу зотни Саъд қабиласидан Ҳалима исми аёл эмизади. Унинг хонадониди «Шаққи-садр» – Муҳаммаднинг кўксиларини ёмонликлардан тозалаш ҳодисаси рўй берган. Ҳазрати Муҳаммад асло гуноҳ қилмаганлар, бутларга сиғинмаганлар. Бу зот олти ёшга кирганларида оналари вафот этади ва боболари Абдулмутталиб тарбиясида қоладилар. Уч йилдан сўнг боболари ҳам вафот этади ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам 579-595 йиллари амакилари Абу Толиб тарбиясида бўладилар. Улғайгунча тижорат сафарига борадилар, амакиларининг қўй-эчкиларини боқадилар. Хадича исми Макканинг бой ва баобрў аёлига тегишли тижорат молларини Шомга олиб борадилар. У киши


ишончли, яхши хулқли бўлганлари учун Хадича онамиз ўзлари совчи қўйиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан турмуш қуришади. Бу пайтда жаноб Пайғамбаримиз 25 ёшда, завжаи мутоҳҳаралари 40 ёшда эдилар.

610 йили рамазон ойининг қадр кечасида жаноб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка яқинидаги Ҳиро ғорида ибодат қилаётганларида Аллоҳ таоло Жаброил алайҳиссалом орқали илк илоҳий ваҳийни нозил этди ва шу тариқа бу зотнинг пайғамбарлик рисолатлари бошланди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам 63 йил умр кўриб, ҳижратнинг ўн биринчи йили робихул аввал ойининг ўн иккинчи, душанба куни (милодий 632 йил) вафот этдилар. Ҳужраи саодатга, яҳни Оиша онамизнинг ҳужраларига дафн этилганлар. Бу Мадинадаги «Масжиди набавийя» ичида. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг рисолатлари боқийдир. У зотдан сўнг ҳеч бир пайғамбар бўлмайди. Бу зот бутун инсониятга ва жинларга расул этиб юборилганлар.

Расули акрамга эргашиш Аллоҳ таолога итоат этишдир. Бизнинг йўлимиз Ҳазрати Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларига эргашиш йўлидир. Имон тақозоси – Аллоҳ таолога ва Унинг элчисига итоатдир. Пайғамбаримиз исмларини тилга олганимиз ҳамона салавот айтиб улуғлаш керак. Чунки Пайғамбарга (алайҳиссалом) Аллоҳ таолонинг Ўзи олдин салавот ўқиди, сўнгра фаришталарига буюрди, ундан кейин мўминларга у кишига салавот йўллашни амр этди. Шунинг учун Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва

саллам) салавот айтиш ибодатдир. У зотни етиштирган, одоб ўргатган, тарбиялаган Аллоҳ таолонинг Ўзидир. Чунки Расулulloҳ (алайҳиссалом) ота-онадан етим қолдилар, қарамоғига олган амакилари Абу Толиб иймон келтирмади, сўнгра вафот қилди. Ён-атрофдан, оила аҳзоларидан у зотга тарбия беришга лойиқ, ахлоқда намуна бўладиган ҳеч ким йўқ эди. Жаноби Ҳақнинг Ўзи бўлажак элчисини атрофидаги одамлардан айириб (бунинг ҳам ўзига хос ҳикмати бордир) тарбиялади, илоҳий неҳматини, эҳсонини у зотга мукамал қилиб берди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳ таолонинг иродаси билан ҳали пайғамбар бўлмай туриб, халқ орасида «амин» – энг ишончли киши сифатида танилдилар.

У киши ниҳоятда хушхулқ, хуштабиат ва ҳамма ҳурмат билан қарайдиган, эҳзозли бир инсон эдилар. Одам алайҳиссаломдан тортиб, шу кунларгача келиб-кетган ва энди то қиёмат кунигача келиб-кетадиган инсонларнинг энг афзали ва энг гўзал ахлоқ эгаси Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам бўлганлар. Пайғамбарлар султони, оламлар Сарвари Ҳазрати Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яратилиш ва хулқ жиҳатидан инсонларнинг энг гўзали эдилар. Рух ва қалб поклигига эришган мингларча валий, қалами ўткир мингларча адиб, васф мулкининг шоҳига айланган мингларча шоир шу кунгача у зотнинг суврат ва сийратларини сифатлашга уринишади, аммо бу ишни маромига етказишга ожиз эканларини эътироф этишади.



ПАЙҒАМБАРНИНГ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) АҲЛИ БАЙТЛАРИ АҲЛИ БАЙТГА КИМЛАР КИРАДИ?



Луғатда «хонадон аҳли, уй аҳли» деган маҳноларни билдиради. «Оли-байт», «Оли ан-Набий» (Пайғамбар оиласи) ҳам дейилади. Бу истилоҳ Қурҳони каримда зикр этилган бўлиб, шариатда Пайғамбаримиз Муҳаммад адайҳиссаломнинг хонадонларига, оила аҳзоларига, акраболарига нисбатан ишлатилади. Ҳадиси шарифларда динимиз таҳлимотларини, уларга амал қилишни йўлга қўйишда Расули акрамнинг аҳли байтлари доимий равишда ўрнатилган бўлиб келишлари башорати берилган. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Аллоҳни сизларга ризқ қилиб берган неҳматлари учун севинглар. Мени Аллоҳнинг муҳаббати билан севинглар. Аҳли байтимни мени севганларингдек севинглар», дедилар. Севикли Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) сулоаларини ҳурмат қилиш ҳар бир мусулмон учун фахрдир. Машҳур ҳадиси шариф мазмунига кўра аҳли байтлари – у зотдан кейин садақа олишлари ҳаром бўлган шахслардир. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ўзлари ҳам садақа олмасликлари, аҳли байтларига ҳам садақа-закот олишга рухсат бермасликлари билан нафсларини покиза тутиб, ифбатли ҳолда туришда бошқаларга ўрнатилган бўлиши ирода қилганлар. «Аҳли байт» дейилганда кимлар назарда тутилиши ҳақида турлича фикр бор. Олимлардан Ато, Икрийма, Ибн Аббос: «Аҳли байт Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) завжаларидир, эркаклар аҳли байт ҳисобланмайди», дейишган. Баҳзилар Аллоҳ таолонинг: «Уйларингизда Аллоҳнинг оятлари ва ҳикматдан иборат тиловат қилинадиган нарсаларни зикр-тиловат

қилинглар» (Аҳзоб, 34) оятига кўра «байт» деганда Пайғамбаримизнинг маконлари ирода қилинади, дейишган. Абу Саид Худрий, Мужоҳид, Қатода, Замахшарий ва бошқаларнинг хабарига биноан фақат Ҳазрати Али, Фотимаи Заҳро, Ҳасан ва Ҳусайнгина аҳли байтга киради. Имом Фаҳриддин Розий, Қасталоний ва бошқа олимларнинг келтиришича, Пайғамбар алайҳиссаломнинг фарзандлари ва завжалари, Ҳасан ва Ҳусайн, Ҳазрати Али, шунингдек, Расули акрамнинг мулозимлари аҳли байт саналади. Зайд ибн Арқам эса: «Садақа олиши ман этилган Али, Уқайл, Жаҳфар, Аббос хонадонлари аҳли байт ҳисобланади», дейди.

АЗВОЖИ МУТОҲҲАРОТЛАРИ

Луғатда «поқдомон, покиза аёллар» деган маҳнони билдиради. Бу истилоҳ асосан Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) пок завжалари (хотинлари), яъни мўминлар оналарига нисбатан ишлатилади. Қурҳони каримга кўра ҳаммалари мўминларга она ўрнидадирлар (Аҳзоб, 6). Яъни, мўминларга ўз оналари қандай ҳурматли бўлишса, Пайғамбар (алайҳиссалом) хотинларига ҳам шундай ҳурмат кўрсатишлари вожиб. Бу ҳукм Расулulloҳ (алайҳиссалом) ўлимларидан кейин бирорта мусулмон у зотнинг пок хотинларига уйланишдан умидвор бўлмасликлари учундир. Расули акрамнинг олтмиш уч йиллик умрида никоҳларига олган завжалари ўн икки нафар бўлган: Ҳазрати Хадича, Ҳазрати Савда, Ҳазрати Оиша, Ҳазрати Хафса, Ҳузайма қизи Ҳазрати Зайнаб, Ҳазрати Умму Салама, Жаҳш қизи Ҳазрати

Зайнаб, Ҳазрати Умму Ҳабиба, Ҳазрати Жувайрия, Ҳазрати Сафийя, Ҳазрати Мория, Ҳазрати Маймуна розийаллоҳу анҳумолардир. Булардан Сафийя Исроил жинсидан, Мория мисрлик қибтийлардан, қолганлари араб эдилар. Араб завжаларнинг олти нафари Қурайш қабиласидан. Ислому муҳолифларининг иддаоларига қарши ўлароқ Пайғамбар алайҳиссаломнинг бунча хотинга уйланишларининг бир неча ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ахлоқий ва диний сабаблари бўлган. Бу зот улар ўйлаганидай ўз ҳузур-ҳаловатларини кўзлаб уйланмаганлар, балки бундан маълум бир мақсад ва дин фойдасини кўзлаганлар. Бу аёлларнинг Ҳазрати Оиша ва Мориядан ташқари ҳаммалари ёши ўтиб қолган тул хотинлар эди. Ҳазрати Хадича жаноби Расулulloҳга никоҳланганларида турмуш кўрган, эрларидан ўн беш ёш катта аёл бўлганлар. Аммо шунга қарамай, Хадича онамиз Ислому тарихининг энг буюк аёли, Пайғамбаримизга биринчи бўлиб иймон келтириб орқаларида намоз ўқиган эдилар. Расули акрамнинг етти фарзандларидан олтитасини Хадича розийаллоҳу анҳо туққан эдилар. Пайғамбаримиз эллик ёшларигача биргина Ҳазрати Хадича билан никоҳда бўлдилар. Яна бир завжалари Ҳазрати Оиша ёш бўлишларига қарамай Исломининг улў фақиҳи, муҳаддисини ва олимасини бўлиб етишдилар. Ҳазрати Оиша Пайғамбар алайҳиссаломдан 2210 та ҳадис ривоят қилиб бу соҳада пешқадамлардан бўлдилар, шарҳий ҳукмларнинг тўртдан бири шу зотнинг ривоятлари асосида тузилган. Бу пок зотлар ўтган, ҳозирги ва келгуси авлод хотин-қизларимизга шахсий ўрнакнинг энг олий намунасини бўла олдилар. Чунки уларнинг уйларида инсониятга қиёматгача икки дунё саодатини кўрсатиб берувчи илоҳий дастур – Қурҳони каримнинг оятлари тушиб турар эди. Айни чоқда, ушбу оятларни, Пайғамбар (алайҳиссалом) суннатларини, шариату аҳкомларини муслима аёлларга ўзига хос услуб билан етказадиган, аёлларнинг ўзигагина хос бўлган масалаларни тушунтириб берадиган муаллималар улар бўлишди. Бундай улкан ва масҳулиятли иш бир ёки икки аёлнинг қўлидан келадиган иш эмасди, улар кўпроқ бўлиши керак эди ва буни фақат Пайғамбар (алайҳиссалом) аёлларигина бажаришлари мумкин эди. Аллоҳ таоло шу каби турли ҳикматларга кўра, баҳзи бир ҳукмларни Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) ёлғиз ўзларига хос қилиб қўйгани маҳлум ва машҳур. Шариату да бир муслмон эр никоҳида бирданига тўртта хотинни олиб туришга руҳсат бор, масалан, бешта хотинни бирданига никоҳида жамлаш мумкин эмас. Аммо Пайғамбаримизга (соллаллоҳу

алайҳи ва саллам) тўрт хотиндан кўпини ҳам бир йўла никоҳларида ушлаб туришларига руҳсат берилган. Натижада у барча оналаримиз аёллар ўртасида динимиз ҳукмларининг тўғри ва кенг ёйилишига буюк хизматлар қилишган. Муслмонлар Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) покиза завжалари номини ҳурматлаб тилга олишди, исмлари ёнига «ҳазрат», «розийаллоҳу анҳо», «уммул-мўминин» (мўминларнинг оналари) деган сифатларни қўшиб айтишади. Аллоҳ таоло барча покиза оналаримиздан рози бўлсин!

ПАЙҒАМБАРИМИЗ

(соллаллоҳу алайҳи ва саллам)

ФАРЗАНДЛАРИ

Жаноб Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) жами етти фарзанд – уч ўғил, тўрт қиз кўрганлар, уларнинг исмлари қуйидагича: Қосим, Зайнаб, Руқаййа, Умму Кулсум, Фотимаи Заҳро, Абдуллоҳ, Иброҳим. Уларнинг олти нафари Хадича онамиздан, еттинчиси — Иброҳим эса мисрлик ҳазрати Мориядан туғилган. Бош фарзандлари Қосим икки йил яшаб, Маккада вафот этган, Расулulloҳ (с.а.в.) унинг номи билан Абул Қосим, деб куньяланганлар. Катта қизлари Зайнаб Абул Осма турмушга чиққан, ҳижрий 8 йили 35 ёшда Мадинада вафот этган. Иккинчи қизлари Руқаййа у зот 33 ёшдаликларида туғилган, дастлаб Абу Лаҳабнинг ўғли Утбага турмушга чиққан, кейин ундан ажраб, ҳазрат Усмон ибн Аффонга никоҳланганлар. Бадр ғазоти кунлари хасталаниб вафот этганлар. Шунинг учун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг жанозасида қатнаша олмаганлар. Учинчи қизлари Умму Кулсум Абу Лаҳабнинг бошқа ўғли Утайбанинг никоҳида эдилар, аммо қовушмай ажралишган. Опаси Руқаййанинг вафотидан кейин ҳижрий 3 йили ҳазрат Усмонга турмушга чиқдилар. Ҳижрий 9 йили вафот этганлар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг энг кичик ва суюмли қизлари Фотимаи Заҳро илк илоҳий ваҳий келган йили Маккада туғилганлар, ҳижрий 2 йили ҳазрат Алига турмушга берилганлар. Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайнларнинг волидалари. Ҳижрий 11 йили, оталаридан олти ой кейин вафот этганлар. Ўғиллари Абдуллоҳ ҳазрат Хадича билан турмушларининг ўн биринчи йили туғилган ва уч ойгина яшаган. Абдуллоҳнинг Тоҳир ва Тоййиб деган исмлари ҳам бўлган, дейишади. Энг кенжа фарзандлари Иброҳим ҳазрат Мория билан турмушларидан ҳижрий 8 йили туғилган ва 17-18 ойлигида вафот этган.

РАСУЛУЛЛОҲ (солаллоҳу алайҳи васаллам) ХИЗМАТЛАРИДА КИМЛАР БЎЛГАН?



ПАЙҒАМБАРИМИЗ (солаллоҳу алайҳи васаллам) ВАЗИФАДОРЛАРИ

Расулulloҳнинг (солаллоҳу алайҳи васаллам) эркак хизматчилари ва хос вазифадорлари қуйидагилар бўлишган: Анас ибн Молик, Ҳинд ибн Ҳориса, Асмо ибн Ҳориса, Робиъа ибн Каъбул Асламий, Абдуллоҳ ибн Масҳуд, Уқба ибн Омир, Билол Ҳабаший, Саъд, Мухрима ибн Абу Наҷоший, Бакир ибн Шаддох, Абу Зарр Фифорий, Айман ибн Умму Айман, Аслах ибн Шарик, Мухожир, Наъим ибн Робиъа, Абул Ҳамро Ҳилол ибн Ҳорис, Абус Самаъ Абод. Аёллардан эса Барака умму Айман ал-Ҳабашийя, Ҳавла, Рофиънинг оналари Салма, Маймуна бинти Саъд, Умму Аёш Расули акрамнинг хизматларини қилишган. Масалан, Қайс ибн Саъд Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларида миршаб вазифасини бажарган, Билол у зотнинг харажатларига, Муайқит ибн Абу Фотима муҳрларига, Ибн Масъуд пойабзал, таҳорат учун сув ва мисвокка масъул эдилар. Уқба ибн Омир сафарларда улов етаклар, Абу Рофиъ юкларини кўтарар, Ҳазрати Абу Бакр эса Пайғамбаримиз ҳузурларига келган элчиларга масъул эдилар. Расулulloҳ икки ишни ҳеч кимга буюрмаганлар: тундаги таҳорат учун сувни ўзлари тайёрлаганлар ва тиланчига садақани ўз қўллари билан берганлар.

ПАЙҒАМБАРИМИЗ

(солаллоҳу алайҳи ва саллам)

КОТИБЛАРИ

Қуйидагилар Пайғамбар алайҳиссаломнинг котиблари бўлишган: Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Талха ибн Убайдуллоҳ, Зубайр ибн Аввом, Омир ибн Фухайра, Абдуллоҳ ибн Арқам, Убай ибн Каъб, Собит ибн Қайс, Ибн Шамос, Холид ибн Саид, Муовия, Шураҳбил ибн Ҳасана, Ала ибн Ҳазрамайи, Холид ибн Валид, Муғийра ибн Шўъба, Абдуллоҳ ибн Равоҳа, Ҳузайфа ибн Ямонлардир (розияллоҳу анҳум). Аммо булардан Муовия ва Зайд ибн Собит Расули акрамнинг доимий ёнларида бўлувчи котиблари эди.

ПАЙҒАМБАРИМИЗ

(солаллоҳу алайҳи ва саллам)

АМИРЛАРИ

Расулulloҳ (солаллоҳу алайҳи васаллам) Бозон ибн Сомонни Яманга, Холид ибн Валидни Санъога, Зиёд ибн Лабид ал-Ансорийни Ҳазрамавтга, Абу Мусо ал-Ашъарийни Зубайд ва Аданга амир (волий) қилиб юборганлар. Итоб ибн Усайд хижратнинг саккизинчи йили учун ҳаж мавсумига, Абу Бакр Сиддиқ тўққизинчи сана ҳажи учун амир қилганлар. Али ибн Абу Толибни Яманга қозиликка, Амр ибн Осни Уммонда иш юритишга жўнатганлар. Хайрия ишларига ҳам кўпчиликни масъул қилганлар.

ПАЙҒАМБАРИМИЗ

(солаллоҳу алайҳи ва саллам)

МУАЗЗИНЛАРИ

Расулulloҳнинг (солаллоҳу алайҳи васаллам) муаззинлари тўрт киши бўлган: булардан Билол ибн Рабоҳ ва Абдуллоҳ ибн Умму Мактум Мадинада, Саъдул Қураз Қубода, Абу Махзура Авсул Жаҳмий Маккада азон айтишган.

ПАЙҒАМБАРИМИЗ

(солаллоҳу алайҳи ва саллам)

ХАТИБЛАРИ

Расулulloҳнинг (солаллоҳу алайҳи васаллам) хатиблари қуйидагилар: Собит ибн Қайс ибн Шаммос, Абдуллоҳ ибн Равоҳа, Омир ибн Акваъ ва Барро ибн Моликлардир. Собит ибн Қайс Пайғамбаримиз сафарларида доимо ёнларида юрар эдилар.

ПАЙҒАМБАРИМИЗ

(солаллоҳу алайҳи ва саллам)

ШОИРЛАРИ

Пайғамбар алайҳиссаломнинг Исломи тарғиб қилувчи шоирлари Каъб ибн Молик, Абдуллоҳ ибн Равоҳа, Хассон ибн Собит (розияллоҳу анҳум) эдилар. Шунингдек, хулафо рошидин Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиблар ҳам шеърлари билан Исломи даъватига катта ҳисса қўшишган. Ҳатто Саййид Мустафо Сиддикий боболари Абу Бакр Сиддиқ шеърларини тўплаб девон ҳам тузганлар. Яна Каъб ибн Зубайр, Аббос ибн Мардос, Аббос ибн Абдулмутталиб ва ўғиллари Абдуллоҳ ибн Аббос ҳам шоир саҳобалардан саналишган.

ПАЙҒАМБАРИМИЗ

(солаллоҳу алайҳи ва саллам)

ҚЎРИҚЧИЛАРИ

Расулulloҳни (солаллоҳу алайҳи васаллам) Бадр ғазотида Саъд ибн Муоз, Аришда Абу Бакр Сиддиқ, Уҳуд ғазотида Заквон ибн Абдуқайс ва Муҳаммад ибн Маслама, Хайбарда Саъд ибн Абу Ваққос ва Абу Айюб, Водил-қуроода эса Билол Ҳабаший душман ҳужумидан ҳимоя қилиш учун қўриқчилик вазифасини бажаришган. «Аллоҳ сизни одамлардан ўзи асрайди» ояти каримаси нозил бўлганидан кейин у зот ўзларига қўриқчи тутмайдиган бўлдилар.



Тоғ сатҳидан пастда, сел сувидан баландликда бўлгани учун «Хайф масжиди» деб номланган ушбу ибодатгоҳ Мино тоғининг жанубий ёнбағрида, кичик жамрага (шайтонга тош отиш ўрни) яқин ерда жойлашган. Ушбу масжид ўрнида Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам ва у зотдан олдинги набийлар намоз ўқишган.

Язид ибн Асвад розийаллоху анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллalloху алайҳи васаллам билан бирга ҳаж қилдим. У зот билан бирга Хайф масжидида бомдод намозини ўқидим» (Имом Термизий ривояти).

Абдурахмон ибн Муоз: «Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам бизга Минода хутба айтдилар... Кейин муҳожирларга буюргандилар, масжиднинг олд томонидан тушишди. Ансорларга буюргандилар, масжид орқасидан тушишди. Бундан кейин қолган одамлар тушишди», деганлар («Сунани Абу Довуд»).

Тарих давомида мусулмон халифалари учун ушбу масжид аҳамиятли жой бўлган. Ҳижрий 1407 (милодий 1987) йили 90 миллион риёл маблағ сарфланиб, бино кенгайтирилган. Ушбу масжид биносининг тўртта минораси бор. Бино ёнида минг ўринли ҳожатхона, уч минг жўмакли таҳорат олиш жойи бор.

МАШЪАРУЛ-ҲАРАМ МАСЖИДИ

Қуръони каримда: «Энди Арафотдан тушганингиздан кейин Машъарул-Ҳарамда Аллоҳни зикр қилинг» (Бақара сураси, 198-оят), дейилган. Абдуллох ибн Умар розийаллоху анҳу: «Муздалифанинг барча жойи Машъарул-Ҳарамдир», деганлар.

Ҳадисда келишича, Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам видолашув ҳажида, Муздалифада шом билан хуфтонни жамлаб ўқиганлар. Ушбу макон 9-зулҳижжа куни қуёш ботгандан кейин Арафотдан тушилаётган пайтда ҳожилар ётиб қоладиган жойдир.

РАСУЛУЛЛОҲ (соллalloху алайҳи васаллам) БЎЛГАН МАСЖИДЛАР ХАЙФ МАСЖИДИ

Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам Машъарул-Ҳарам масжидига ҳам кирардилар. У узун масжид бўлиб, шарқдан ғарбга узунлиги 90 метр, эни 56 метр, ўн икки минг намозхонни сиғдиради. Масжиднинг орқа томонида 32 метр баландликдаги икки минора бор. Унинг шарқий, шимолий ва жанубий томонларидан кирадиган жойлари бор. Ёнида эркак ва аёллар учун махсус ажратиб қўйилган ҳожатхона ва таҳоратхона мавжуд. Муздалифадаги масжид билан Намира масжиди ораси етти чақирим.

НАМИРА МАСЖИДИ

Бу масжиднинг ғарбий томонида Намира деган тоғ бўлгани учун у шундай ном билан аталган. Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам арафа куни Намирадаги чодирга тушганлар. Қуёш заволга кетганидан кейин Арана водийсига кўчиб ўтиб, у ерда хутба айтиб, намоз ўқидилар. Кейин Сахротга кўчиб ўтдилар. Қуёш ботганидан кейин Муздалифа томонга юра бошладилар. Жобир (розийаллоху анҳу) Расулulloх соллalloху алайҳи васалламнинг ҳажлари хусусида бундай деганлар: «Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам юриб Арафотга келдилар. Намирага чодир ўрнатилган экан, ўша ерга тушдилар. Қуёш бироз мойил бўлган эди, Батнул водийсига келиб, одамларга хутба айтдилар... Аввал азон, кейин такбир айтиб, пешин ўқидилар. Сўнгра такбир айтиб, аср ўқидилар. Кейин уловларига миниб, туялари Қасвони Сахротга қаратиб қўйдилар. Қуёш ботгунича қиблага юзланиб тик турдилар», дедилар.

Расулulloх соллalloху алайҳи васалламнинг Арана водийсида қилган хутбалари ва ўқиган намозлари ўрнида иккинчи ҳижрий асрнинг ўрталарида, яъни Аббосийлар халифалиги даврининг аввалида масжид бино қилинди. Батнул водийи Арафотга тегишли эмас. Тарих давомида масжид кенгайтирилаверганидан масжиднинг олд томони Арафот ташқарисида, орқа томони эса Арафот ҳудудига кириб қолган. Ҳозирги кунда ана шу ерда кўрсатувчи белгилар қўйилган. Ҳожилар пешин ва аср намозини ўқишганидан кейин Арафот ҳудуди ичидан кўчишлари лозим.

САХРОТ МАСЖИДИ

Ушбу масжид Арафотдаги Жабалур-Роҳмага кўтарилишда ўнг томонда жойлашган. У ердан озгина баландда бўлиб, пастак девор билан ўраб қўйилган. У ерда катта харсанг тош бор, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам арафа кечаси Қасво деган туяларига миниб, шу тош устида турганлар. Жобирдан (розияллоҳу анҳу) қилинган ривоятда келтирилишича, Расулулоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин билан аср намозини Намира масжиди ўрнида ўқиб, туриш лозим бўлган маконда туяларини Сахрот томонга қаратиб қўйганлар. Юрадиган йўлларида қиблага юзланиб, то қуёш ботгунча тик ҳолда турганлар, кейин қуёш гардиши йўқолгунча Суфрага бориб бироз турганлар. Худди шу ўринда Моида сурасининг 3-ояти нозил бўлган. Ушбу маконнинг қибла томонида, ўнгда узунлиги 13,3 метрли девори, чап томонида эса 8 метрли девори бор. Шайх Бакр Абу Язид: «Тоғнинг тепасига кўтарилишнинг ўнг томонида, жанубда ярим метрга яқин калта девор билан ўралган супача бор. Мана шу масжид Сахрот деб аталади», деган.

ДОРУЛ АРҚАМ ҲОВЛИСИ

«Дорул Арқам», яъни Арқам ҳовлиси Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дўстлари Арқам ибн Абул Арқамга тегишли бўлиб, Фаҳри Коинот пайғамбар этиб юборилганларининг бошланишида у Ислон даъватининг маркази эди. Мусулмонлар бу ҳовлида жамланиб, яширин ҳолатда намоз ўқишар эди. Умар ибн Хаттоб Ислонга кирганларидан кейин мусулмонлар сони қирқтага етиб, ислонлари ва намозларини очикчасига эълон қилишни бошлашди.

Ҳижрий 171 (милодий 787) йили Аббосийлар халифаси Маҳдийнинг жорияси Бинти Хайзурон бу ҳовлига масжид қурди. Ҳовли саъй қилинадиган ўриннинг ташқарисида, Сафодан 36 м. нарида жойлашган. Бу ҳовлига мусулмон халифалари томонидан катта аҳамият берилиб, таъмирлаб келинган. 1375 ҳижрий (1955 милодий) йили Каъба атрофини кенгайтириш мақсадида бузиб юборилди. Номи сақланиб қолиши учун Сафо ёнидаги саъй қилинадиган жойда ўрнатилган аввалги эшик шу ҳовлига яқин бўлгани учун «Дорул Арқам эшиги» деб номланди.

БАЙЪАТ МАСЖИДИ

Биринчи Ақоба байъати Минонинг мана шу масжиди ўрнида, нубувватнинг 12-йили, яъни 621 милодий сананинг июл ойида бўлиб ўтган. Ушбу байъатда Мадинадаги Авс ва Ҳазраж қабиласидан ўн икки нафар бошлиқ иштирок этган. Иккинчи Ақоба байъати ҳам худди шу ерда, орадан бир йил ўтгач бўлди. Ушбу байъатда эса Мадина аҳлидан етмиш

уч эр ва икки аёл иштирок этди. Улар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни Мадинаи мунаварага келишга чорлаб: «Қачонгача Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Макка тоғларида қочиб юришларига қараб турамиз», дейишди. Иккинчи байъат «Катта Ақоба байъати» ҳам деб аталади. Ҳижрий 144 (милодий 761) йили Абу Жаъфар Мансур томонидан ушбу байъат қилинган ўринда масжид қурилган. Бу ҳақда масжиднинг қибласи ташқарисига ёзиб-маҳкамлаб қўйилган тахтача ҳам бор.

Бу тарихий масжидга ўтган давр мобайнида мусулмон халифалари томонидан аҳамият бериб келинган. Усманийлар томонидан қурилган ҳозирги бино тош ва алебастрдан. У Минодан Маккага тушишдаги кўприкнинг ўнг томонида, Ақоба тош отиш томонидан 300 метр нарироқдадир.

ЖИН МАСЖИДИ

Пиедалар ўтадиган кўприк ёнида, Муъаллога кўтарилишнинг чап томонида жойлашган ушбу масжиднинг алоҳида тарихи бор: жинлар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат қилиш учун келишганида, у зот алайҳиссалом ушбу масжид ўрнига доира чизиб, Абдуллоҳ ибн Масъудни ўша ерда қолдирганлар. Шу сабабдан бу ерда жойлашган ибодатгоҳ «Жин масжиди» деб номланади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам нубувватнинг ўнинчи йили Тоифдан қайтишлари асносида Нихла ўрнида жинлар билан учрашганлар. Бу масжид яна Ҳарс деб ҳам аталади. Ушбу масжид ҳижрий 1421 йили қайта таъмирланиб-янгиланган.

Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулулоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккадалик пайтларида саҳобаларга: «Ким жинлар билан учрашишни хоҳласа, келсин», деган эдилар, мендан бошқа ҳеч ким келмади. Набий билан бирга юриб, Макканинг юқорисига етиб борганимизда оёқлари билан ерга бир чизик чизиб, кейин ўша ерда қимирламай ўтиришимни буюрдилар. Сўнгра ўринларидан туриб Қуръон ўқидилар. Кўпгина қора нарсалар ўраб, мен билан у зотнинг ўрталарини тўсиб қўйди. Ҳатто овозларини ҳам эшитолмай қолдим. Қора нарсалар булут парчалари каби тўзғиб кетиб боришарди. Уларнинг бир қисми ортда қолди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бондод вақтидагина кўриндилар. Кейин олдимга келиб: «Анави бир жамоа жин нима қилди?» деган эдилар, мен: «Улар жинлармиди, эй Аллоҳнинг Расули?» дедим. Расулулоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жинларга озуқа қилиб суяк ва тезакни бердилар. Кейин бизларга тозаланиш мақсадида тезак ёки суякдан фойдаланишини ман қилдилар» (Ибн Касир тафсири).

ШАЖАРА МАСЖИДИ

Умар ибн Хаттобдан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам Хужунда эканларида мушриклар у зотнинг даъватларини рад этишди. Шунда у зот: «Аллоҳим, бугун менга бир аломат кўрсатгинки, бундан кейин мени ёлғончига чиқарган кишига аҳамият бермай», дедилар. Сўраган нарсалари берилиб, у зотга: «Дарахтни чақиргин», дейилди. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам чақирган эдилар, (Жин масжидидаги бир) дарахт юриб келди-да, у зотга салом берди. Кейин амр қилган эдилар, ўз ўрнига қайтиб кетди. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: «Энди бундан кейин қавмимдан бирор киши ёлғончига чиқарса, аҳамият бермайман», дедилар.

597 ҳижрий санада вафот этган Ибн Жавзийнинг айтишларича, Макканинг юқорисидаги ўша жойда барпо қилинган масжид «Шажара», яъни «Дарахт масжиди» деб номланган. У Жин масжидининг қаршисида жойлашган. Дарахтнинг келиб салом бериши ҳодисаси рўй берган пайтда Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам Жин масжидида бўлганлар.

Фокихийнинг ривоятдан англашиладики, жинлар Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг нубувватларига далил талаб қилишган. Шунда мана шу мўъжиза зоҳир бўлиб, улар Исломига (кириш учун) байъат қилишган. Шажара масжиди ҳам Жин масжиди каби 1421 ҳижрий санада қайта таъмирланиб, янгиланди.

РОЯ МАСЖИДИ

Имом Бухорий ривоятида келтирилишича, Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам Макка фатҳи куни Хужунга байроқ ўрнатишни амр қилганлар. Ибн Ҳишом: «Расулох соллаллоху алайҳи васаллам фатҳ куни Макканинг юқори қисмига тушдилар ва ўша куни ушбу жойда чодир ўрнатилди», деб ёзган.

Кейинчалик Абдуллох ибн Аббос ушбу маконда масжид қурдилар. Бу масжид Роя – «Байроқ масжиди» деб танилади. 272 ҳижрий санада вафот этган Фокихий: «У Жубайр ибн Мутъим қудуғи олдидаги катта тўғон ёнида жойлашган, Макканинг тепасидаги масжиддир. Водий тепасидаги ушбу тўғонни Умар ибн Хаттоб қурдирганлар», деган.

Ибн Можа ҳасан санад билан Кайсон розияллоху анҳудан ривоят қилишича, бу зот: «Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг буюк қудуқ олдида бир кийимда намоз ўқиганларини кўрдим», деганлар. Ушбу ҳадисни Имом Аҳмад ҳам ривоят қилганлар. Мана шу ривоятлар Расулох соллаллоху алайҳи васаллам бу ерга келиб, шу масжидда намоз ўқиганларини таъкидлайди.

986 ҳижрий йили вафот этган Ибн Заҳира Роя масжиди Макканинг юқори қисмидаги Муддабий ол-

дида эканини айтади. Шунини таъкидлаш жоизки, бу масжид ҳозирги кунда «Жавдарийя масжиди» деб аталади. У Фазо кўчасидаги Жавдарийяда ўрнашган. Масжид ҳижрий 1361 (милодий 1942) йили подшоҳ Абдулазиз томонидан, кейинчалик подшоҳ Фаҳд ибн Абдулазиз томонидан қайта қурилган.

ХОЛИД ИБН ВАЛИД МАСЖИДИ

Расулох соллаллоху алайҳи васаллам фатҳ куни Холид ибн Валидга Макканинг пастки қисмидан кириб, энг паст уйлар олдида байроқ ўрнатишни буюрдилар. Бошқа ривоятда айтилишича, Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам Лийт томондан, яъни Макканинг пастки қисмидаги Жарвал томондан киришни буюрганларида Холид бу топшириқни бажарганлар. Ушанда байроқ ўрнатилган ўринга масжид қурилган. Ҳозир бу масжид жойлашган кўчанинг номи ҳам Холид ибн Валиддир. Бу масжид ва унинг минораси 1377 ҳижрий (1957 милодий) йили қайта қурилган.

ЖУМУМДАГИ ФАТҲ МАСЖИДИ

Жумум – Марраз-заҳрон водийидаги бир жой бўлиб, Бани Сулайм қабиласининг сув манбаи ўша ерда эди. У Мадинаи мунаввара йўлида, Маккадан йигирма беш чақирим шимолда жойлашган. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам ўша ерга ҳижратнинг 6-йили рабийъул-аввал ойида Зайд ибн Ҳориса бошчилигида отлиқларни юборган эдилар. Бир хотинга йўлиқишган эди, у отлиқларни Бани Сулаймга қарашли бир маҳаллага йўллаб қўйди. Улар бу ерда бир қанча мол ва асирларни қўлга киритишди.

Ҳижратнинг 8 йили Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам мана шу ерга тушиб, Макка фатҳ этилишидан олдин бир кеча тунаб қолдилар. Ўша куни у зот билан ўн минг саҳоба бирга эди. Бани Сулайм қабиласидан бир қанча жамоа ҳам мазкур фатҳда иштирок этишганди.

Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам тушган ва намоз ўқиган ўринларига масжид қурилган. У «Фатҳ масжиди» деб танилади. Тарих давомида бу макон муслмонлар учун аҳамиятли бўлиб, у 1397 ҳижрий йили шайх Бакр Муҳаммад Қутбнинг шахсий жамғармасидан қайта қурилди. Масжидга кираверишда бу ҳақда лавҳа ёзиб қўйилган. Масжиднинг қибла томондан узунлиги йигирма, эни ўн беш метр. Энига беш метр бўлган очиқлик ҳамда ўн метрли усти ёпиқ зали ҳам бор. Ҳижрат йўлидан юрганлар бу масжидни кўришга муяссар бўлишади.

Доктор Муҳаммад Илёс Абдулганининг
«Маккаи мукарраманинг эски ва янги тарихи» китобидан
Анвар АХМАД таржимаси.

ВАДО ХУТБАСИ

“Вадо хутбаси” жумласи луғатда «хайрлашув, айрилиқ хутбаси-хитоби» деган маънони билдиради. Хижрий ўнинчи йилнинг 9-зулҳижжасида (милодий 632 йил 8 март) Пайғамбар алайҳиссалом сўнгги бор ҳаж қилишларида буюк Ислох инқилобининг энг улуғ хутбасини айтдилар. Ўшанда Маккада 124 минг муслмон тўпланган эди. У зот Қасво деган туяларига миниб, Арафот водийсида муслмон умматига тарихий васиятларини баён қилганлар. Бу хитоб фақат ўша жойда тўпланган ҳожиларгагина эмас, қиёматга қадар келадиган бутун инсониятга қаратилган бўлиб, тарихга «Вадо хутбаси» номи билан кирди. Уни муслмон умматининг ўзига хос ҳаракат дастури дейиш мумкин. Пайғамбар алайҳиссалом умматга бундай васият қилдилар:

“Эй инсонлар! Сўзларимни диққат билан эшитинг. Билмайман, балки бу санадан кейин сиз билан бу ерда яна бир бор бирга бўлолмасман.

Эй инсонлар! Бу куннинг қандай кун эканини биласизми? Бугун Явмуннаҳрдир (қурбон куни). Бу ойнинг қайси ойлигини биласизми? Бу ой Шаҳри ҳаромдир (муқаддас ой). Бу жойнинг қандай жойлигини биласизми? Бу ер Балдаи ҳаромдир (муқаддас шаҳар). Бу кунингиз қандай муқаддас бўлса, бу ойингиз қандай муқаддас бўлса, бу шаҳрингиз қандай муқаддас бўлса, билинги, жонларингиз, молларингиз ҳам то Аллоҳнинг ҳузурига чиққунга қадар бир-бирларингизга бу муқаддас кун, бу муқаддас ой, бу муборак шаҳар каби муқаддасдир. Буларга қилинган ҳар қандай тажовуз ҳаромдир.

Эй асҳобим! Ҳушингизни йиғиб олинг! Билинги, эртага Аллоҳнингизга қовушажаксиз. Бугунги ҳар турли ҳол ва ҳатти-ҳаракатларингиздан албатта сўроққа тутиласиз. Зинҳор-базинҳор мендан кейин эски залолатларга (адашувга) қайтиб, бир-бирларингизнинг бўйнингизга тиғ урманг! Ушбу васиятимни бу ерда бўлганлар бўлмаганларга билдирсин. Балки билдирилган киши бу ерда туриб эшитгандан янада яхшироқ тушунар ва буни муҳофаза этар?!

Эй асҳобим! Эски жоҳилият давридан қолган ҳамма қон даъволари батамом бекор қилинди. Бекор қилганим илк қон даъвоси эса Абдулмутталиб невараси Робианинг қон даъвосидир.

Эй асҳобим! Жоҳилият даврининг ҳар турли рибоси (фоиз, судхўрлик) бекор қилинди. Илк бекор қилганим рибо Абдулмутталиб ўғли Аббоснинг

фоизидир. Аллоҳнинг ажри билан бундан кейин судхўрлик тақиқлангандир. Эски даврлардан қолган бу чиркин одатнинг ҳар турлиси оёғим остидадир. Қарздорлар қарз берган кишиларга фақат улардан олган пулнигина тўлайдилар. Зулм ҳам қилманг, зулмга ҳам учраманг!

Эй асҳобим! Кимнинг ёнида бир омонат бўлса, уни эгасига қайтариб берсин. Ҳадяларга ҳадя билан жавоб берилади. Бошқаларга кафил бўлганлар кафолатнинг масъулиятини ўз устига олган ҳисобланади.

Эй инсонлар! Бугун шайтон сизнинг шу юртингизда қайтадан нуфуз ва салтанат куриш қудратини бундан кейин абадий йўқотган. Бироқ сиз бу бекор қилганларим нарсалардан бошқа, кўзингизга кичик кўринган ишларда шайтонга эргашсангиз, уни севинтирган бўласиз. Динингизни асраш учун булардан ҳам сақланг!

Эй инсонлар! Хотинларнинг ҳақларига риоя этингиз. Улар билан шафқат, меҳр билан муомалада бўлингиз. Уларнинг ҳақлари хусусида Аллоҳдан кўрқингиз! Хотинлар сизга Аллоҳнинг омонатидир. Уларни Аллоҳ номига сўз бериб олдингиз, улар амри Илоҳий билан сизга ҳалол бўлди. Сизнинг хотинлар устида ҳақларингиз бўлгани каби, хотинларнинг ҳам сизда ҳақлари бордир. Сизнинг хотинлардаги ҳақларингиз уларнинг оила шарафини сиз ёқтирмайдиган ҳеч бир кимсага оёқ ости қилдирмасликларидир. Хотинларингизнинг ҳар турли емак ва кийим эҳтиёжларини таъминлашингиз эса, уларнинг сизнинг устингиздаги ҳақларидир. Улар сизнинг ҳақларингизга риоя этишлари керак. Сиз ҳам уларга назокат билан муомала этишингиз лозим. Бир хотин эрининг руҳсатисиз унинг молидан бирор нарсани бировга бериши ҳалол эмас.

Эй мўминлар! Сўзларимни яхшилаб эшитинг, яхши англаб олинг ва яхши муҳофаза этинг. Шу нарсга ҳақиқатки, Роббингиз бирдир. Отангиз бирдир, барчангиз Одамдансиз, Одам (алайҳиссалом) эса, тупроқдандир. Ҳеч кимнинг бошқалардан устунлиги йўқдир. Шараф ва устунлик фақат фазилат биландир. Шуни яхши билинги, муслмон муслмоннинг биродаридир, барча муслмонлар бир-бирларининг биродарларидир. Улар айна (тенг) ҳақларга эгадирлар. Дин биродарингизга оид бўлган ҳар қандай ҳаққа тажовуз этиш, кўнгил ризоси бўлмагунча, бошқа биров учун ҳалол бўлмас. Ҳақсизлик қилманг,



ҳақсизликка бўйин ҳам эгманг, одамларнинг ҳақларини еманг! Зинҳор мендан кейин кофирларга ўхшаб бир-бирингиз билан бўғишманг!

Эй асҳобим! Нафсларингизга ҳам зулм қилманг! Нафсларингизнинг ҳам сизда ҳақлари бор.

Эй инсонлар! Аллоҳ ҳар кимга тушган ҳақ соҳибининг мерос ҳаққини Қуръонда билдирган. (Бинобарин), меросчилар учун васиятнинг кераги йўқ.

Эй инсонлар! Ҳар бир жиноятчи айбига фақат ўзи жавобгардир. Ҳеч бир жиноятчининг гуноҳи учун авлоди жазо тортмайди. Ҳеч бир фарзанднинг гуноҳига отаси ҳам масъул бўлмас.

Эй инсонлар! Тўхтовсиз айланиб турган замон Аллоҳнинг осмонларни, ерларни яратган кунги ҳолатига қайтган. Бир йил ой ўлчови билан ўн икки ойдир. Булардан тўрттаси ҳаром ойлардир. Буларнинг учтаси-зулқаъда, зулҳижжа, муҳаррам кетмакет келади, тўртинчиси (ражаб) эса, жумодил-охир билан шаъбоннинг орасидадир Бу йилнинг ҳаром ойлари эски жойига келди. Ҳаж мавсуми зулҳижжанинг ўнинчи кунига тўғри келди.

Эй мўминлар! Сизга бир омонат қолдирыпман. Унга маҳкам боғланганингиз сари йўлингизда асло адашмайсиз. Бу омонат Аллоҳнинг китоби Қуръондир.

Эй инсонлар! Аллоҳга ибодат қилинг! Беш вақт (намоз)ингизни адо этинг, шунда Роббингизнинг жаннатига кирасиз.

Эй инсонлар! Ифротдан (ҳаддан ошишлиқдан) сақланинг! Сиздан олдин ўтганларнинг ҳалокатга учрашларига диндаги ифротлари сабаб бўлган эди”.

Хутба охирида саҳобаларга: “Сиздан мен ҳақимда сўрайдилар, шунда нима дейсизлар?” деган савол бердилар. Улар “Аллоҳнинг амрларини бизларга етказдингиз, вазифангизни бажарганингизга гувоҳлик берамиз”, дейишди. Шунда у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрсаткич бармоқларини осмонга қаратдилар, кейин одамларга қарата тушира туриб: “Эй Аллоҳим, Ўзинг гувоҳ бўл!” деб уч марта такрорладилар. Ўша пайтда Аллоҳ таолонинг: “Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун Исломни дин қилиб танладим” (Моид, 3) ояти каримаси нозил бўлди.

Пайғамбар алайҳиссалом вадо ҳажидан қайтишда йўлда хасталандилар. Хасталиклари ўн уч кун давом этди. Ҳижрий ўн биринчи йили рабиъул-аввал ойининг биринчи душанба куни Оиша онамизнинг хоналарида муборак руҳларини Аллоҳга топширдилар ва ўша жойда дафн қилиндилар (соллаллоҳу алайҳи васаллам).